

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.115:658:336(575.1)

**Чориев Сардор Нишонович**

**КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ  
ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ  
(“Радиант импекс” МЧЖ мисолида)**

5А 340106 – “Эконометрика” мутахассислиги  
бўйича магистр даражасини олиш учун

**Магистр академик даражасини олиш учун  
ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент А.А.Исмоилов**

**Тошкент – 2013 й.**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I-БОБ</b>	<b>КОРХОНА МОЛИЯВИЙ–ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>9</b>
1.1.	Корхонанинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг зарурияти.....	9
1.2.	Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тавсифи.....	14
1.3.	Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	20
	I- боб бўйича хулосалар.....	34
<b>II-БОБ</b>	<b>“РАДИАНТ ИМПЕКС” МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР....</b>	<b>35</b>
2.1.	Таҳлилда қўлланиладиган анъанавий ва математик усуллар ҳамда уларнинг классификацияси.....	35
2.2.	“Радиант импекс” МЧЖнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилида қўлланиладиган ахборотлар.....	39
2.3.	“Радиант импекс” МЧЖнинг молиявий- иқтисодий ҳолати таҳлили.....	55
	II - боб бўйича хулосалар.....	65
<b>III- БОБ</b>	<b>КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ АСОСИДА ПРОГНОЗЛАШ.....</b>	<b>67</b>
3.1.	Иқтисодий таҳлилнинг эконометрик усуллари.....	67
3.2.	Эконометрик таҳлил натижаларининг ишончлилигини текшириш.....	78
3.3.	Эконометрик таҳлил асосида корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини прогноз қилиш.....	83
	III- боб бўйича хулосалар.....	90
	<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР .....</b>	<b>92</b>
	<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....</b>	<b>95</b>
	<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>100</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Республикамизда иқтисодий таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодий изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Шу мақсадда Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ва 2012 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида “...иқтисодий ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолишни, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашни, шунингдек, иқтисодий изчил ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширишни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни” – таъкидлаб ўтди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2013.- 48 б.

Бунда давлатнинг иқтисодий салоҳиятини ошишини ва рақобатбардош иқтисодиётнинг ривожланишини самарали бошқарувнинг барча механизмларини қўллаш орқали амалга ошириш мумкин. Шу сабабли корхоналар иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларни молиявий иқтисодий таҳлил қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида замонавий математик усуллар ва моделларни қўллашни тақозо қилади.

Корхонанинг молиявий иқтисодий ҳолати таҳлили самарали бошқарувда энг муҳим роллардан бирини бажаради. Унинг асосида корхонанинг тактик ва стратегик режалари тузилади, корхона фаолиятининг натижалари баҳоланади ва ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш йўллари кўриб чиқилади. Шу сабабли иқтисодий таҳлилда иқтисодий математик ва эконометрик усулларни қўллаш долзарб аҳамиятга эга. Ахборот технологияларини ривожланиши эса уни амалиётга қўллашни осонлаштириб бормоқда.

**Тадқиқот объекти** бўлиб, “Радиант импекс” МЧЖнинг молиявий ва иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** сифатида корхонанинг молиявий иқтисодий ҳолатини эконометрик таҳлилининг назарий ва амалий томонлари ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Ушбу магистрлик диссертация изланишининг мақсади корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда иқтисодий математик ва эконометрик усулларни қўллаш бўйича амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Бу муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ва қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни белгиладик:

- корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларга тавсиф бериш;

- корхонанинг иқтисодий ҳолатини ақс эттирувчи кўрсаткичларини таснифлаш;
- таҳлилда қўлланиладиган усулларни ўрганиш;
- корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилида қўлланиладиган манбаларни ёритиш;
- эконометрик усуллардан корхона молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланишни кўрсатиб бериш;
- эконометрик таҳлил асосида корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини прогнозлаш.

**Таdqиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Корхонанинг молиявий – иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда эконометрик усулларни қўллаш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш, корхонанинг истиқболдаги кўрсаткичларини прогноз қилиш ва шу асосда стратегик қарорлар қабул қилиш имконини беради.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий - хўжалик фаолитини таҳлил қилишда асосан унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолмоқда<sup>2</sup>. Ҳозирги пайтда бу борада анча такомиллашган тавсиялар мавжуд. Хусусан, И.Т.Абдукаримов<sup>3</sup>, И.О.Волжин, В.В.Эргашбоевлар<sup>4</sup> ҳар бир кўрсаткични аниқлашнинг назарий жиҳатдан формулаларини келтириш билан бирга уларнинг маълумотларини қайси ахборот манбаларидан олиш лозимлигини ҳам кўрсатиб берган. Корхона молиявий иқтисодий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга омиллар ҳам алоҳида

<sup>2</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисобтни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 2009. Волжин И.О., Эргашбаев В.В. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 2009. Ҳасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 1999. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. - Мн. ИП «Экоперспектива», 1997.

<sup>3</sup> Абдукаримов И.Т. Как читать и анализировать финансовую отчетность. - Т.: Из. дом «Мир экономики и право», 2008. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 2009.

<sup>4</sup> Волжин О.И., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 2008., Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий.-Мн.: ИП «Экоперспектива», 2007.

аҳамият бериб келган ва келмоқда. Бу борада Ўзбекистонлик олимлардан И.Т.Абдукаримов<sup>5</sup>, Д.Қ. Қутбиев<sup>6</sup>, И.О.Волжин, В.В.Эргашбаев<sup>7</sup> кабилар ўз фикр мулоҳазаларини билдирганлар Охирги пайтларда чоп қилинган, бевосита корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашга қаратилган китобда<sup>8</sup> ҳам ушбу масала кўрилган. Бевосита молиявий таҳлилга бағланган адабиётларда ҳам айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларга кам эътибор берилган<sup>9</sup> худди шу ҳолатни В.В.Петров ва В.В.Ковалёвларнинг тадқиқотларидан ҳам кузатиш мумкин<sup>10</sup>.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Республика Приезиденти И.А.Каримов асарларидаги корхоналарни молиявий иқтисодий барқарорлигини ошириш, уларни модернизациялаш ва локализациялаш масалаларига оид ғоялари ҳамда хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг мавзуга дахлдор илмий ишлари ташкил қилади. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, “Радиант импекс” МЧЖнинг даврий маълумотларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот усулларига тадқиқот жараёнида илмий абстракция, мантикий ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, корреляцион-регрессион таҳлил ва прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи** шундан иборатки, ундаги фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлардан “Радиант импекс” МЧЖини молиявий иқтисодий ҳолатини эконометрик усуллар асосида тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот

---

<sup>5</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 2008. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري, 2009 й.

<sup>6</sup> Қутбиев Д.Қ. Проблемы анализа использования основных фондов в кооперативной торговле. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Қудбиев Д.Қ. Современные проблемы бухгалтерского учета основных средств. - Самарканд, СамКИ, 2005.

<sup>7</sup> Волжин И.О., Эргашбаев Д.В. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 2008 й.

<sup>8</sup> Ҳасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 2009. - 17-18 бетлар.

<sup>9</sup> Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. - Т.: Мехнат, 2005. - 14-19 бетлар.

<sup>10</sup> Патров В.В., Ковалёв В.В. Как читать баланс. - М.: Финансы и статистика, - 2012 - 142-213 бетлар.

ишларини амалга оширишда, таълим муассасаларида иқтисодиёт йўналиши бўйича таълим олаётган талаблар ва магистрантлар учун фойдали бўлиши мумкин.

Хулоса ва таклифлардан “Радиант импекс” МЧЖини самарали бошқаришда, бизнес режани тузишда, таълим муассасаларида “Иқтисодиёт” йўналиши бўйича «Корхона иқтисодиёти», “Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллар“, “Эконометрикага кириш” фанларидан маъруза матнларини тайёрлашда ва семинар машғулотларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.**

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий-математик усуллар очиб берилди;
- корxonанинг молиявий–иқтисодий ҳолатини таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий-математик ва эконометрик усулларга тавсиф берилди.
- эконометрик таҳлил асосида корxonанинг молиявий-иқтисодий ҳолати башорат қилинди.
- MS Excel амалий дастурлар пакетидан фойдаланиб корхона молиявий – иқтисодий ҳолатини прогнозлаш йўллари кўрсатилди.
- корxonанинг молиявий – иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда омилли таҳлилдан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот иши таркибининг қисқача тавсифи.** Магистрлик илмий тадқиқот иши кириш қисми, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Биринчи боб – Корхона молиявий –иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишнинг назарий асослари деб номланиб, у учта қисмдан иборат.

Биринчи қисмда корxonанинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг зарурияти, иккинчи қисмида корxonанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тавсифи, учинчи

қисмида корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳолати баён қилинган.

Иккинчи боб – “Радиант импекс” маъсулияти чекланган жамиятининг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлили ва унда қўлланиладиган усуллар деб номланади, у учта қисмдан иборат.

Биринчи қисмда таҳлилда қўлланиладиган анъанавий ва математик усуллар ҳамда уларнинг классификацияси ўрганилган; иккинчи қисмида “Радиант импекс” МЧЖ нинг таҳлилида қўлланиладиган ахборотлар келтирилган; учинчи қисми “Радиант импекс” МЧЖнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилига бағишланган.

Учинчи боб – Корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини эконометрик таҳлили ва унинг асосида прогнозлаш тўғрисида фикрлар билдирилган бўлиб, ушбу боб учта қисмдан иборат.

Биринчи қисмда иқтисодий таҳлилнинг эконометрик усуллари келтириб ўтилган; иккинчи қисмида эконометрик таҳлил натижаларининг ишончлилигини текшириш; учинчи қисмда эконометрик таҳлил асосида корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини башорат қилиш тадқиқ этилган.

Магистрлик илмий тадқиқот иши якунловчи қисмида, таклиф ва муло-ҳазалар, адабиётлар рўйхати ва илмий иш юзасидан иловалар келтирилган.

## **1-боб. Корхона молиявий –иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишнинг назарий асослари**

### **1.1. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг зарурияти**

Табиат ва жамиятдаги ходисалар сингари иқтисодий ходисаларнинг ҳам таркибий қисмларини ўрганмай туриб, яъни таҳлил қилмай туриб уларни илмий жиҳатдан билиб бўлмайди.

Таҳлил ибораси "analysis" сўзидан олинган булиб "бўламан", "ҳал этаман" деган маънони билдиради. Бинобарин таҳлил мураккаб ходиса ва предметларни таркибий қисмларга бўлиш, ажратиб қўйиш асосида кўрсаткичларни таққослаш ва ўрганиш демакдир. Айниқса тадқиқ қилиш усули бўлиб, шу усул воситасида ходисалар ўртасидаги сабабий боғланиш ва ўзаро боғлиқлик ўрганилади. Ишлаб чиқаришнинг шартларининг бажарилишини назорат қилишда шунингдек, резервларни хўжаликни бозор иқтисодиёти талаблари даражасида олиб боришда иқтисодий таҳлил муҳим аҳамият касб этади. Чет эл амалиёти шуни кўрсатадики "ҳисоб ва ҳисобот" 2 қисмга бўлинади:

1.Бошқарув ҳисоби:

2.Молиявий ҳисоб (умумбухгалтерия ҳисоби).

Шунга мувофиқ таҳлил ҳам 2 қисмга, яъни ички ва ташқи таҳлил (молиявий таҳлил)га бўлинади. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш хўжалик механизмидаги номутаносибликни олдини олишда таҳлил муҳим рол ўйнайди.

Хўжалик фаолиятини таҳлили корхона ва бирлашмаларнинг иш фаолиятига объектив баҳо бериш ва хўжаликни юритишнинг самарадорлигини янада оширишдан иборатдир. Бундай таҳлил

натижалари корхонанинг хўжалик фаолиятини доимо назорат килиб туришни, унга рахбарлик қилишда хатога йўл қўймасликни олдини олишга хизмат килади.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш қуйидаги принципларга амал килган ҳолда амалга оширилади:

1. Илмий асосланган тамойили;
2. Объективлик тамойили;
3. Тизимли ва комплекслик тамойили;
4. Оперативлик тамойили;
5. Умумийлик тамойили.

Таҳлил вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Корхонанинг ҳар томонлама фаолиятини унинг иқтисодини ривожлантириш даражаси ва суръатини ўрганиши.
2. Бизнес режаларини объективлигига баҳо бериш ва унинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш.
3. Таъсир этувчи омилни аниқлаш ва уларни миқдор жиҳатидан ўлчаш улар асосида моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш.
4. Хўжаликни юритиш самарадорлигини оширувчи резервларни ва устидан фойдаланиш йўлларини аниқлаш.
5. Бошқарувнинг оптимал ечимларини танлаш.

Ҳар бир фан ўз преметиға эға. Бугунги кунда таҳлил предмети хусусида иқтисодчи олим ва мутахассислар ўртасида маълум бир тўхтамға келинмаган.

Ривожланишнинг ҳар бир босқичда энг долзарб бўлган масалалар ҳар бир фаннинг олдиға қуйиладиган вазифа ва муаммолар фаннинг предмети хусусида билдирилган таърифда ўз аксини топиш керак. Шу нуқтаи назардан бозор иқтисоди шароитида энг долзарб масала бу ишлаб

чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг натижасида юқори фойда ва рентабеллика эришиш энг муҳим вазифа ҳисобланади

Таҳлилнинг турлари қуйидагилар:

- тезкор таҳлил.
- жорий таҳлил.
- истикболли таҳлил.

Тезкор таҳлил-хўжалик системасини оператив бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Тезкор таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик системасини фаолиятини юритишни доимо назорат қилиш, ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализацияси бўйича режанинг бажарилиши ўз вақтида ички ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш, уларни базис режани бажарилишига сафарбар этишдан иборат.

Жорий таҳлил-бухгалтерия ва статистик ҳисоботлар асосида корхона фаолиятининг йил, квартал, ой давомидаги иш фаолияти натижаларига баҳо беришда ишлатилади.

Истикболли таҳлил-ўзига хос хусусияти бўлиб, хўжалик фаолиятидаги ўзгариш ва жараёнларни таҳлил этишда улардан келгусида фойдаланишини мақсад қилиб қўяди.

Хўжалик фаолиятининг таҳлили кўпгина иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқлик, жумладан иқтисодий назария, бухгалтерия ҳисоби, статистика, тармоқ иқтисоди ва бошқалар.

Бозор муносабатлари икки томон муносабати ва улар ўртасидаги ишончга қурилган иқтисодий жараёнлар мажмуасини ўз ичига олади. Иккита субъект бир-бири билан иқтисодий муносабат қилаётган бўлса, албатта, уларнинг иккаласида ҳам битта мақсад-манфаат ётади. Бу фойда кўриш истагидир. Ҳамкорларнинг бир-бирига ишонч билдириши учун бозор муносабатларига хос тил - «Бизнес тили» мавжуд. Бу тилда гаплашилмаса ҳамкорни ишонтириш жуда қийин.

Бизнес тили бозор муносабатлари шароитида иккита субъект гаплашадиган тилдир. Бу тил ифодаси молия в унинг мажмуаси акс этган молиявий ҳисоботдир. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бўлажак ҳамкорининг энг аввало молиявий аҳволи қандайлигига қизиқади. Чунки унинг фойда олиш-олмаслиги у билан ҳамкор бўладиган субъектнинг молиявий аҳволига боғлиқ. Шу туфайли ҳар бир корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш, таҳлил қилиш бозор шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир касбнинг ўзига хос тили, жаргони бор. Бухгалтерлар, иқтисодчилар, молиячилар ҳам ҳозирги бозор муносабатлари шароитида янги ибораларни ишлатмоқда. Масалан, бир хўжалик юритувчи субъект иккинчиси билан икки ёқлама манфаатли иқтисодий муносабатлар ўрнатмоқчи бўлса у қуйидаги атамаларни ишлатиши мумкин. «Баланс ликвидми?», «Молиявий барқарорми?», «Молиявий мустаҳкамми?», «Тўловга қодирми?», «Рақобатбардошми?», «Иқтисодий ночорми?» ва ҳ.к. Бу сўзларни асосан бухгалтерлар, аудиторлар, молиячилар, умуман, иқтисодий ишлар билан шуғулланувчи мутахассислар билади, холос. Аммо бу сўзлар замирида жуда чуқур маъно, бутун бир молия - хўжалик фаолияти натижаси мужассамланган. Шу туфайли, ушбу сўзлар мазмунига ижобий жавоб бериш учун ҳозир ҳар бир мутахассис, менежер, раҳбар уларни баҳолаш, аниқлаш йўлларини билиши шарт. Бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бу тилни - жаргонни ўрганиш иқтисодиётнинг сир-синоатларини билишни тақозо қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маъмурий бошқарувдан эркин рақобат шароитига ўтиши кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг руҳиятини ўзгартириш, айниқса, раҳбарларнинг - масъулиятини оширишни тақозо қилади.

Бироқ ҳозирги пайтда кўпгина кишилар тадбиркорлик ва раҳбарлик ишларига бозор сирларини чуқур ўрганмасдан, унинг тилини билмасдан,

иқтисодий категориялар ва молиявий ахборотлардан фойдаланиш усуллари тушунмасдан киришиб кетмоқдалар.

Шу туфайли республикамизда қуйи бўғин раҳбарларининг ҳам, юқори бўғин раҳбарларининг ҳам молиявий ҳисоботларни иқтисодий ўқиши бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Улар бозор шароитида бизнес тилида гаплашишни ўрганмоқдалар.

Бозор муносабатлари шароитида раҳбарларнинг тегишли ахборотларни билиши ҳали етарли эмас. Эндиликда раҳбарлар ахборотлардан фойдаланиш усуллари, улардан тўғри ва асосли хулоса чиқариш учун таҳлил қилиш йўллари ва буларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш тамойилларини билиши зарур бўлиб қолди. Бу учун раҳбарлар хўжалик фаолияти ҳақида тўғри ахборотларга ва улардан фойдаланиш усулларига эга бўлиши лозим. Бундан ахборотлар корхонанинг молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларида мавжуд бўлади. Булардан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун эса ҳар бир раҳбар шу ҳисоботларни иқтисодий жиҳатдан ўқиш ва таҳлил қилиш усуллари ҳамкори билан бизнес тилида гаплашишни билиши лозим. Бунда раҳбар ўз корхонасида молиявий ресурсларнинг ҳолати, уларнинг тўғри жойлашиши, самарали ишлаши, ўз маблағларини кўпайтириш йўллари билиши, айланма маблағлар ҳолатига аниқ баҳо бериши, солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тўланган-тўланмаганлиги, дебитор ва кредитор қарзларнинг қай аҳволда эканлигидан воқиф бўлади.

Зеро, ҳар бир раҳбар молиявий ҳисоботга имзо чекиши билан шу хўжалик фаолияти ҳолатига ва унинг тўғрилигига тўлиқ масъул эканлигини ўз зиммасига олади. Бу эса раҳбарларнинг янада зийрак билишини, имзо чекаётган ҳужжатни яхши билишини тақозо қилади.

Кўп ҳолларда раҳбарлар ҳисоботнинг тўғрилиги учун бухгалтерия ходимларига, тўлиқ ишониб кўя қолишади. Лекин халқимизда «ишонч яхши, лекин текшириб кўр» деган мақол бежиз айтилмаган. Шу жиҳатдан,

хар бир раҳбар ҳисоботни текширишни ва уни иқтисодий ўқишни билиши лозим. Раҳбар бухгалтерия ҳисобини ёки молиявий ҳисоботни тузиш йўллари билиши шарт эмас. Аммо у молиявий ҳисоботга имзо чекиш билан бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиши, молиявий ҳолатга баҳо бериши, хусусан, корхонанинг ликвидлигини, молиявий барқарорлигини рентабеллик даражаси каби муҳим кўрсаткичларни аниқлаб олиши, улардаги ўзгаришларнинг сабабларини билиши лозим. Шуларни билмаган раҳбар ҳамкори билан бизнес тилида гаплаша олмайди. Ҳамкорлари билан бизнес тилида гаплашишни билмаган раҳбар бизнес оламида ўз йўлини топмаслиги табиий. Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги пайтда ташкилот раҳбарларининг бизнес тилида гаплашиши учун зарур бўлган барча тегишли маълумотлар молиявий ҳисоботларда ўз аксини топган.

## **1.2. Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тавсифи**

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими унинг даромадлари, фойдаси ва рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Булар қуйидагилардан иборат:

Даромадлар

1. Сотишдан олинган даромад
2. Асосий фаолиятдан олинган даромад
3. Молиявий фаолиятдан олинган даромад
4. Фавқулотдаги (тасоддий) даромад.

Фойда турлари

1. Сотишдан олинган фойда
2. Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар)
3. Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар)

4. Солиқ тўланганга қадар фойда

5. Соф фойда

Рентабеллик кўрсаткичлари

1. Иқтисодий салоҳият рентабеллиги

2. Молиявий салоҳият рентабеллиги

3. Ўз маблағлари рентабеллиги

4. Барча активлар рентабеллиги

5. Хусусий капитал рентабеллиги

6. Сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги

7. Акциянинг рентабеллиги

$$\begin{array}{|l} \text{Сотишдан тушган} \\ \text{ялпи молиявий} \\ \text{натижа (Ямн)} \end{array} = \begin{array}{|l} \text{Маҳсулотни (иш,} \\ \text{хизматни) сотишдан} \\ \text{келган соф тушум} \\ \text{(Ст)} \end{array} - \begin{array}{|l} \text{Сотилган маҳсулот} \\ \text{(иш, хизмат)} \\ \text{таннархи (Тн)} \end{array}$$

$$\begin{array}{|l} \text{Асосий ишлаб} \\ \text{чиқариш фао-} \\ \text{лиятининг} \\ \text{молиявий} \\ \text{натижаси (Мфмн)} \end{array} = \begin{array}{|l} \text{ЯМН} \end{array} - \begin{array}{|l} \text{Давр} \\ \text{ҳаражатлари} \\ \text{(Дх)} \end{array} + \begin{array}{|l} \text{Бошқа операцион} \\ \text{даромадлар (Бд)} \end{array}$$

$$\begin{array}{|l} \text{Молиявий фаолият} \\ \text{натижа си (Мфн)} \end{array} = \begin{array}{|l} \text{Молиявий фаоли-} \\ \text{ятдан келган} \\ \text{даромадлар (Мфд)} \end{array} - \begin{array}{|l} \text{Молиявий фаоли-ятга} \\ \text{кетган ҳаражатлар} \\ \text{(Мфх)} \end{array}$$

$$\begin{array}{|l} \text{Тасоддий} \\ \text{(фавқулотда) фойда} \\ \text{ёки зарар (Тф) (Тз)} \end{array} = \begin{array}{|l} \text{Тасоддий даромад} \\ \text{(Тд)} \end{array} - \begin{array}{|l} \text{Тасоддий ҳаражат} \\ \text{(Тх)} \end{array}$$

$$\begin{array}{|l} \text{Солиқ тўланганга} \\ \text{қадарги умумий} \\ \text{молия-вий натижа} \\ \text{фойда (Яф)} \end{array} = \begin{array}{|l} \text{Асосий ишлаб} \\ \text{чиқариш фао-} \\ \text{лиятининг молиявий} \\ \text{натижаси (Мфмн)} \end{array} + \begin{array}{|l} \text{Мфн} \end{array} + \begin{array}{|l} \text{Тф} \end{array}$$

$$\begin{array}{|l} \text{Соф} \\ \text{фойда} \\ \text{(Сф)} \end{array} = \begin{array}{|l} \text{Солиқ тўланганга қадарги} \\ \text{умумий молия-вий натижа} \\ \text{фойда Яф} \end{array} - \begin{array}{|l} \text{Солиқлар ва ажратмалар} \\ \text{(С)} \end{array}$$

$$\begin{array}{|l} \text{Таксимланмаган} \\ \text{фойда (Тмф)} \end{array} = \begin{array}{|l} \text{Соф фойда} \\ \text{(Сф)} \end{array} - \begin{array}{|l} \text{Дивидендлар (Дв)} \end{array}$$

1.1. -расм. Корхонада молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари

Таҳлил мақсадидан келиб чиқадиган бошқа рентабеллик кўрсаткичлари. Ушбу гуруҳларда келтирилган молиявий натижаларни ифодаловчи муҳим кўрсаткичларни аниқлаш усулини қуйидаги расмда кўриб чиқиш мумкин (1.1.-расм).

**Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллигини (Рич)** ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш учун соф фойдани (Сф) маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) таннархига (Тн) бўлиш лозим:

$$Рич = \frac{Сф}{Тн} \times 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ишлаб чиқариш харажатиغا қанча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу қилинган харажатнинг қандай самарадорликка эга бўлганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг эгаси, раҳбари, жамоаси ва инвесторлари учун ўта муҳим кўрсаткичдир.

**Сотилган маҳсулот рентабеллигини (Рсм)** аниқлаш учун соф фойдани (Сф) сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг (См) миқдориغا бўлиш кифоя:

$$Рсм = \frac{Сф}{См} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм сотилган маҳсулот корхонага қанча соф фойда келтираётганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич корхонанинг тадбиркорлиги, бозордаги фаоллиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур кўрсаткич режали иқтисодиёт шароитида умумий рентабелликни ифодалаб ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан олинар эди. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўзининг баҳоловчи кўрсаткич сифатидаги моҳиятини йўқотади. Энди маҳсулот сотилмаса, ўз харидорини бозордан топмаса ҳисоб эмас. Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида ушбу кўрсаткичнинг моҳияти ошди.

**Корхонанинг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги (Рис)**ни аниқлаш учун корхонанинг Сф.ни унинг иқтисодий салоҳияти ўртача қийматига (Ис) бўлинади:

$$\text{Рис} = \frac{\text{Сф}}{\text{Ис}} \cdot 100$$

Мазкур кўрсаткич корхонанинг 100 сўм иқтисодий салоҳиятига неча сўм соф фойда келтириляётганлигини кўрсатади. Агар корхонанинг иқтисодий салоҳияти таркибини келтирадиган бўлсак, у қуйидаги ҳолатга эга бўлади:

$$\text{Рис} = \frac{\text{Сф}}{\text{Ав} = \text{Ам} + \text{Нф} + \text{Мс}} \cdot 100$$

Бунда Ав - Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати;

Ам - айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати;

Нф - номоддий фаолларнинг ўртача йиллик қиймати;

Мс - меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати.

**Корхона асосий воситалари рентабеллиги (Рав)**ни аниқлаш учун Сф.ни асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига (Ав) бўлиш кифоя:

$$\text{Рав} = \frac{\text{Сф}}{\text{Ав}} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм асосий воситаларига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди.

**Корхона айланма маблағлари рентабеллиги (Рам)**ни аниқлаш учун соф фойдани (Сф) айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига (Ам) бўлинади.

$$\text{Рам} = \frac{\text{Сф}}{\text{Ам}} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм айланма маблағларининг ўртача йилик қийматига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхонада айланма маблағларни ташкил қилиш пайтида, унинг рентабеллигини баҳолашда қўлланилади.

**Корхона номоддий фаоллари рентабеллиги (Рнф)** ҳам бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар таркибига киритилди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун Сф.ни номоддий фаолларнинг ўртача йиллик қиймати (Нф) бўлинади:

$$Рнф = \frac{Сф}{Нф} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўмлик номоддий фаолига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични корхона миқёсидаги қатор йилларга аниқлаб номоддий фаоллар ва фойда сўммаларининг ўзгариш суръатларини, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини аниқлаш учун қўллаш мумкин.

**Корхонанинг меҳнат салоҳияти рентабеллигини (Рмс)** аниқлаш учун Сф.ни меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати (Мс) ёки ходимлар сонига (Хс) бўлиш лозим.

$$Рмс = \frac{Сф}{Мс} \cdot 100, \quad Рмс = \frac{Сф}{Хс} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм меҳнат салоҳияти қиймати (ёки битта ходимга қанча соф фойда тўғри келишини) кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳам корхонада меҳнат самарадорлигини таҳлил қилганда кенг қўлланилади.

**Корхона молиявий салоҳияти рентабеллиги (Рмос)** 100 сўм молиявий салоҳиятнинг ўртача йиллик қиймати тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун Сф.ни корхона молиявий салоҳияти ўртача йиллик қиймати (Мос) бўлинади:

$$Рмос = \frac{Сф}{Мос} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга, чунки корхонанинг молиявий манбалари учун энди

бевосита корхона эгаси, инвестори мусъул. Ундан қанча самарали фойдаланса улар учун ўшанча яхши.

**Корхона ўз маблағлари рентабеллиги (Рўм)** молиявий салоҳият рентабеллиги сингари соф фойдани ўз маблағлари ўртача йиллик қиймати (Ўм) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$Рўм = \frac{Сф}{Ўм} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ўз маблағига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Бу ўз капиталининг самарадорлик даражасини белгилайди.

**Корхонанинг четдан жалб қилган маблағлари рентабеллиги (Рчжм)**ни аниқлаш учун Сф.ни четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (Чжм) бўлинади:

$$Рчжм = \frac{Сф}{Чжм} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг олган узоқ ва қисқа муддатли кредитлари ҳамда бошқа четдан жалб қилинган маблағларининг самарадорлигини ифодалайди. Унинг миқдори 100 сўм Чжм.га тўғри келадиган Сф. миқдорини кўрсатади.

**Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги (Риф)** бу асосий ва айланма маблағлар, яъни моддий ресурслар самарадорлигини ифодалайди. Уни аниқлаш учун Сф.ни асосий воситалар (Ав) ва айланма маблағлар (Ам) ўртача қиймати йиғиндисига бўлинади.:

$$Риф = \frac{Сф}{Ав + Ам} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўмлик моддий ресурсларига тўғри келадиган соф фойданинг миқдорини ифодалайди. Унинг миқдори қанча ошиб борса корхона учун ўшанча яхши.

Таҳлил жараёнида маълум иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ўта муҳим. Лекин уларнинг ўзгаришини, айниқса шу ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг

таъсирини ҳисоблаш таҳлилнинг энг муҳим воситасидир. Шу туфайли рентабелликни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ишда асос сифатида уларнинг айримларигагина тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу кўрсаткичлар таҳлилининг усуллари бошқа кўрсаткичларни ҳам шундай таҳлил қилиш учун услубий асос бўлади.

### **1.3. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими**

Мустақиллик даврида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жиҳатидан янгиланаётганлигидан далолат бериб келмоқда. Янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиққилиш, усулологик муаммоларни ҳал қилишга кўпинча улгуриш қийин бўлмоқда. Бундай янги иқтисодий тушунчалардан бири корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) тушунчасидир.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий - хўжалик фаолитини таҳлил қилишда асосан унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолмоқда<sup>11</sup>. Бу бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва усулологик жиҳатдан етарли эмас. Чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан,

---

<sup>11</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 1999. Волжин И.О., Эргашбаев В.В. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 1998. Ҳасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашр уйи, 1999. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. - Мн. ИП «Экоперспектива», 1997.

ишлаб-чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта моддий - техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хом-ашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хом-ашё ўз-ўзидан иқтисодий жараёни содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга албатта одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур.

Демак, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса корхонанинг барча ҳаражатларини қоплаб фойда олишини таъминлайди. Шундагина ишлаб чиқаришнинг провард мақсади амалга ошади.

Бундан кўришиб турибдики, корхона иқтисодий салоҳиятининг иқтисодий таҳлилда фақатгина бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашган корхона тасарруфидаги моддий бойликларни (активларни) таҳлил қилиш билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш учун етарли эмас экан. Бу эса ўз навбатида, корхонанинг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ҳам кўшган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилади.

Режали иқтисодиёт шароитида таҳлилга оид адабиётларда<sup>12</sup> корхонанинг моддий бойлигини (ресурсларини) ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қаралиши кўзда тутилган эди. Уларнинг таҳлили барча бойликлар (ресурслар) таҳлили деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида

---

<sup>12</sup>Баканов М.И., Ширемет А.Д. “Теория анализа хозяйственной деятельности” - М.: Финансы и статистика, 1994, - 241 бет, Кравченко Л.И. “Экономический анализ деятельности предприятий торговли общественного питания.- Мн.: Вышэйшая школа, 1997. - 317-333 бетлар ва ҳ.к.

моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар (фаоллар) ҳам иштирок этади. Буларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқи, патентлар, “Ноу-хау”, савдо маркаси, рухсатномалар (лицензиялар) каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасда корхонага худди моддий бойликлар сингари маълум даражада фойда келтиради. Аммо уларни корxonанинг моддий бойлигига (ресурсига) киритиш мумкин эмас, чунки улар шакли, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан номоддийдир.

Эндиликда корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий фаоллар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб аташ етарли бўлмайди, чунки уларнинг таркибига номоддий активлар кирмайди. Шу туфайли уларни корxonанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) деб аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади. Буларнинг таркибий тузилишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (1.1-расм).



1.2-расм. Корхона иқтисодий салоҳиятининг (потенциалининг) тузилиш таркиби

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этилган иқтисодий жараёни тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий фаоллар тушунилади.

Иқтисодий таҳлил аниқ ва амалий фан бўлганлиги туфайли ундаги кўлланадиган барча тушунчалар ва кўрсаткичларнинг номи, мазмуни ва қиймати маъхум бўлмасдан аниқ, ҳисобланадиган, маълум бир соҳани ўзида ифода этадиган бўлиши лозим. Ушбу назарий мулоҳаза бевосита корхонанинг иқтисодий салоҳиятига (потенциалига) ҳам тегишли. Шу туфайли уни баҳолашнинг баъзи назарий ва усулологик жиҳатларига, иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан, эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) баҳолашда энг аввало иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, уни қиймати ва ҳаражати нуқтаи назаридан аниқлаш лозим деб ўйлаймиз. Ушбу кўрсаткичнинг тўлиқ қийматини баҳолашда асосан бухгалтерия баланси маълумотларидан фойдаланилади. Бу учун бухгалтерия балансидаги асосий восита (Ав), айланма маблағлар (Ам) ва номоддий активларнинг (На) умумий суммаларини ҳамда ҳисоб-китоб орқали аниқланган ишчи ва хизматчиларнинг пулда ифодаланган қийматини (Хк) олиш мумкин.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий потенциалини таҳлил қилишда хўжалик фаолиятида содир бўладиган иқтисодий жараёнида иштирок этадиган барча моддий ресурслар (асосий ва айланма маблағлар), номоддий активлар ва меҳнат ресурслари биргаликда муштарак ҳолда ўрганилади. Моддий ресурслар ва номоддий активлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ифодаланади, аммо меҳнат ресурслари эса бу ҳисобот таркибида кўрсатилмайди.

Бухгалтерия балансида, айниқса, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашда моддий ресурслар ва номоддий активлар билан биргаликда

меҳнат ресурслари қийматини ҳам инобатга олиш лозим. Аммо бу кўрсаткич бухгалтерия балансида кўрсатилмайди. Шу туфайли унинг пулдаги ифодасини топишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда меҳнат ресурсининг баҳосини аниқлаш учун қонуний асос яратилган. Чунки Республикамизда оддий ишчидан тортиб то етук мутахассисгача уларни тайёрлаш ҳаражати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу ҳаражатлар ходимнинг биринчи бошланғич «шартли баҳоси» бўлиб ҳисобланади. Сўнгра унинг малакасини ошириш, қайта ўқитиш учун ҳаражат қилинса булар ҳам унинг ушбу бошланғич баҳосига қўшилади. Бундай қилиш зарурлигининг иккинчи томони шундаки, ҳозир кўпчилик мутахассисларни тайёрлаш корхона ҳисобидан пул тўлаш эвазига амалга оширилмоқда. Демак, корхона ўқишни битирган талабани ишга қабул қилса унинг шу корхона учун қиймати аниқ. Масалан, ходим корхона ҳисобидан 4 йил ўқиган. Биринчи йилда унинг ўқиши учун 200, минг сўм, иккинчи йилда 250,0 минг сўм, учинчи йилда 280,0 минг сўм ва ниҳоят тўртинчи йилда 300,0 минг сўм пул тулаган деб фараз қилсак унинг «шартли баҳоси» 1030,0 минг сўмни ташкил қилади. Агар ходимнинг ўқиши давлат ёки шахсий ҳисобдан амалга оширилса у ҳолда корхона мазкур ходимни ишга қабул қилиш билан ушбу ҳаражатга тенглаштирган миқдорда унинг шартли қийматини белгилаш мумкин. Бундан ташқари ҳар йили давлат томонидан диплом берилган бакалавр, мутахассис ёки магистрнинг «нархини» ҳам марказлашган тарзда аниқлаб эълон қилиб туришлари мумкин.

Ходимларнинг умумий қийматини пулда ифодалаш учун қўйидаги амални бажариш лозим. Биринчидан, барча ходимларни категорияларга бўлиб чиқади. Ҳар бир категориядаги ходимларни тайёрлашга кетган қиймати аниқланиб шу категория бўйича уларнинг умумий суммаси топилади. Иккинчидан, ҳар бир категория бўйича аниқланган суммаларни

кўшиб ходимларнинг «шартли баҳосини» ифодалайдиган жами суммасини топиши мумкин. Бу учун қуйидаги математик моделни қўллашни тавсия қиламиз:

$$X_k = \sum_{i=1}^n a_i + v_i$$

Бунда  $X_k$  - ходимларни тайёрлашга кетган ҳаражатларнинг

жами суммаси;

$i$  - ходимлар категориясининг тартиб сони ( $i=1, n$ );

$n$  - ходимлар категориясининг умумий сони;

$a_i$  -  $i$  - категория ходимларни тайёрлашга кетган

ҳаражатлар;

$v_i$  -  $i$  - категория ходимларнинг малакасини оширишга

кетган ҳаражатлар.

Энди корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг умумий қийматини аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$K_{ис} = A_v + A_m + N_f + X_k$$

Бунда  $A_v$  - асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;

$A_m$  - айланма маблағларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;

$N_f$  - номоддий активларнинг ўртача қиймати;

$X_k$  - ходимларнинг ўртача «шартли қиймати».

Агар ушбу формуладаги натижани “У” деб, омилларни  $X_i \rightarrow n$  деб белгиласак юқоридаги формуланинг математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = \sum_{i=1}^n x_i = x_1 + x_2 + \dots + x_n$$

Ушбу математик моделга таҳлилнинг анъанавий усулларини қўллаб амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижанинг ўзгаришини

таъминловчи барча омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқса бўлади. Буни амалга ошириш учун бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботлар асосида корхона иқтисодий потенциалига кирувчи категорияларни алоҳида элементлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб кўрсаткичлар йиғиндиси корхона иқтисодий потенциали суммасининг умумий ҳажмини ифодалайди. Аммо жорий йилда уларнинг қанча қисми ишлатилганлигини, қай даражада самарадорликка эришганлигини билиш учун шу таҳлил қилинаётган даврга тўғри келадиган қисмини ҳам аниқлаш лозим. Бу фақат назарий жиҳатидан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий таҳлилнинг афзаллиги шундаки, битта иқтисодий категорияни бир қанча ўлчамларда (қийматда, натурал миқдорда, ҳажмда ваҳ.к.) ифодалаш мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ҳаражатлар нуқтаи назаридан жорий ва келтирилган ҳаражатлари бўйича баҳолаш мумкин. Аммо бир қанча адабиётларда бу ҳаражатларни фарқламасдан ишлатилади. Ҳаражатлар масаласи қаралганда ёки биринчиси, ёки фақат иккинчиси билан чекланиб қоладилар.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) келтирилган ҳаражатлар ( $Kп^{кx}$ ) нуқтаи назаридан ҳисоблаш унинг қанча қисми шу ҳисобот даврида янгидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киришини аниқлаш учун зарур бўлади. Бунда айланма маблағларнинг тўлиқ суммаси, асосий воситалар ва номоддий фаолларнинг шу жорий йил давомида эскириш суммасини ва ишчи ва хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи ( $Mx$ ) суммасини олиш мумкин. Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Kп^{кx} = (Ав * Аn) + Аm + (Нф * Эn) + Mx$$

Бунда  $A_n$  - асосий воситаларнинг эскириши (амартизация) нормаси;

Эн - номоддий фаолларнинг эскириш нормаси;

Мх - меҳнатга тўланадиган ҳақсуммаси.

Бу корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг жорий даврида ишлатилиши мумкин бўлган қийматини ифодалайди. Уни корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг келтирилган ҳаражатлари деб ҳам аташ мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) жорий ҳаражатда ифодалаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу унинг жорий йилда ишлатилиши эвазига қанча ҳаражат кетганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич умуман олганда ҳаражатлар таркибида ифодаланади. Масалан, савдо корхонасини оладиган бўлсак ушбу ҳаражатлар муомала ҳаражатларида ўз ифодасини топади. Бироқ, муомала ҳаражатлари таркибида фақат иқтисодий потенциалдан фойдаланиш учун эмас, балки бутун хўжалик фаолиятини юргизиш учун кетган ҳаражатлар йиғиндиси ифодаланган. Шу туфайли иқтисодий потенциалдан фойдаланиш учун сарф қилинган жорий ҳаражатлар миқдорини аниқлаш ҳам уларнинг самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ шуни эътироф этиш керакки, муомала ҳаражатлари таркибида иқтисодий мазмуни жиҳатидан унга кирмайдиган жуда кўп ҳаражатлар мавжуд. Муомала ҳаражатлари бевосита товар муомаласи билан боғлиқ ҳаражатлардир. Бунга товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ барча ҳаражатлар кириши лозим.

Назарий жиҳатдан тўғри бўлиши учун ушбу ҳаражат ва ажратмаларни алоҳида ифодалаш лозим. Бу эса савдо ташкилотларида “Муомала ҳаражатлари тўғрисидаги ҳисобот”ни ўзгартиришни тақозо қилади. Уни “Ҳаражатлар тўғрисидаги ҳисобот” деб аташ мақсадга мувофиқ. Бу ҳисоботни икки қисмга бўлиш мумкин: муомала ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлар. Иккинчиси ҳам алоҳида моддалари бўйича

ифодаланса ҳаражатлар иқтисодий мазмуни жиҳатидан тўғри ифодаланган бўлади. Ҳаражатларнинг бундай гуруҳларга бўлиниши, ҳозирги савдо корхоналарининг давлат тасарруфидан чиқиб асосан хусусийлаштирилган пайтида, нима учун керак деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавобан, таъкидламоқчимизки, бозор иқтисодиёти ўзбошимчалик эмас. Ҳар бир иқтисодий категория ёки уни ифодаловчи кўрсаткич қачонки микроиқтисодиётда тўғриҳисобга олиб борилсагина жамият миқёсидаги макроиқтисодиётнинг тараққиётини тўғри аниқлаш ва унинг устуворлигини таъминлаш имконини беради. Бу эса ҳар бир кўрсаткич ва ходисаларни тўғри баҳолаш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Асосий воситалар (капитал) учун сарф қилинган жорий ҳаражатларга (Авх) асосий воситалар амартизацияси; бинолар, жиҳозлар ва энгил машиналарни таъмирлаш ва ижарага бериш ҳаражатлари; таъмирлашга кетган ҳаражатлар; моддий нематларни сўғўрта қилишга кетган ҳаражатлар киради.

Номоддий фаоллардан фойдаланганлик учун сарф қилинадиган ҳаражатлар (Нфх) таркибига номоддий фаолларнинг таҳлил қилинаётган даврда ажратилган эскириш қиймати ва бошқа шу категория билан боғлиқ ҳаражатлар киради.

Айланма маблағлар учун сарф қилинган жорий ҳаражатларга (Амх) маҳсулотлар, хом ашё ва товарларни ташишга кетган ҳаражатлар, банк муассасаларига тўланадиган фоиз суммаси, товарларни саралаш; ўраш ва сақлаш ҳамда совутгичларни таъмирлаш ҳаражатлари, кам баҳоли ва тез емирилувчи нарсалар, махсус кийимлар ва идиш товоқларнинг эскириши, нобуд бўлиши, тара ҳаражатлари кабилар киради.

Меҳнат потенциалидан фойдаланганлик учун сарф қилинган жорий ҳаражатларга (Хмх) меҳнат ҳақи ҳаражатлари, ижтимоий суғўртага ажратмалар, кадрлар тайёрлаш, пенсия фондларига ажратмалар киради.

Корхона иқтисодий потенциални жорий ҳаражатлар миқдори билан баҳолаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Ис^{жх} = Авх + Амх + Нфх + Хмх$$

Корхона иқтисодий салоҳиятни (потенциални) баҳолашда кўлланиладиган келтирилган ва жорий ҳаражатлар суммаси уларнинг ишлатилиши ва қопланиш муддатларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Иқтисодий потенциалнинг қопланиш муддатини ( $Ип_{км}$ ) аниқлаш учун иқтисодий потенциал суммасини ( $Ип^к$ ) келтирилган ҳаражатлар ( $Ип^{жх}$ ) суммасига бўлиш мумкин:

$$Ип_{км} = Ип^к : Ип^{жх}$$

Мисол тариқасида “Радиант импекс” МЧЖнинг маълумотларини келтириш мумкин. Ундаги иқтисодий потенциалнинг жами суммаси 74032,2 минг сўмни, келтирилган ҳаражатлар суммаси 8510,0 минг сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда корхона иқтисодий потенциалнинг қопланиш муддати ҳақиқатда 8,7 йилга ( $74032,2 : 8510,0$ ) тенг бўлади. Капитал кўйилмаларнинг самарадорлик коэффиценти меъёри Ўзбекистон Республикасида 0,12 ҳолича сақланиб қоладиган бўлса, уни иқтисодий потенциалга ҳам тадбиқ этилса, у ҳолда унинг қопланиш муддати 8,3 йилни ( $1:0,12$ ) ташкил қилиши лозим. Демак, таҳлил қилинаётган объектда иқтисодий потенциалнинг ҳақиқатда қопланиш муддати меъёрга нисбатан 0,4 йилга ( $8.7-8,3$ ) кўп эканлиги аниқланди.

Иқтисодий салоҳиятнинг (потенциалнинг) ишлатилиш муддатини аниқлаш учун шартли равишда, унинг умумий суммасини жорий ҳаражатлари ( $Ип^{жх}$ ) суммасига бўламиз, яъни:


$$Ипим = Ип^к : Ип^{жх}$$


Таҳлил қилинаётган савдо МЧЖда иқтисодий потенциалдан фойдаланганликнинг жорий ҳаражатлар суммаси ҳақиқатда 4246,3 минг сўмни ташкил қилди. У ҳолда иқтисодий потенциалнинг ишлатилиш муддати 17,4 йилга ( $74032,2 : 4246,3$ ) тенг бўлади. Бундан шундай хулоса

келиб чиқадики, таҳлил қилинаётган объект иқтисодий потенциалнинг қиймати 17,4 йилга янги яратилган маҳсулотга ўз қийматини тўлиқўтказиб бўлар экан.

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва асосий вазифаларидан бири таҳлил қилинаётган объект ёки категорияни тўғри ва батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва усуллогик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг кўплиги ёки озлигига қараб ўрганилаётган объект ёки категорияни баҳолаш учун етарли ёки кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш лозим.





### 1.3. - расм. Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)ни (Кис) ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи

Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг аввало уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш лозим. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар жуда кўп белгилари билан таснифланади. Аммо биз ушбу ишда корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни фақат иқтисодий мазмуни бўйича таснифини кўриб чиқамиз.

Чунки кўрсаткичларни ушбу белгиси билан таснифлаш иқтисодий хулоса чиқариш учун етарли бўлади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таснифи юқоридаги расмда келтирилган (1.3-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар талайгина.

Уларнинг ҳар бири маълум миқдорга эга бўлмоғи ва таҳлил қилинаётган категориянинг у ёки бу жиҳатини ифодаламоғи лозим. Бу учун эса албатта аниқ ахборот маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ишда ҳозирги такомиллашган тавсияларга амал қилган ҳолда таклиф қилинган барча кўрсаткичларни аниқ маълумотларга асосланиб баҳолаш йўллари кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Чунки, иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган бирорта кўрсаткич мавҳум, ноаниқ, ҳисобланиши қийин бўлмаслиги лозим.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг нимани ифодалаши, аниқланиш йўллари ва ахборот манбаларини гуруҳлар бўйича кўриб чиқилади.

Келтирилган кўрсаткичлар учун ахборотлар асосан бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлардан олинади.

Аmmo шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий таҳлилга бағишланган адабиётларда корxonанинг иқтисодий салоҳиятига ва уни ифодаловчи кўрсаткичларга етарли даражада аҳамият берилмаган. Таҳлилга бағишланган деярли барча адабиётларда корхона иқтисодий салоҳиятининг активлари (асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий фаоллар) бухгалтерия баланси маълумотларига асосан таҳлил қилинган холос.

Корxonанинг иқтисодий салоҳияти тушунчасини, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўлларига бағишланган таклиф ва тавсиялар бир қанча адабиётларда<sup>13</sup> тавсиялар баён қилинган.

Кўриниб турибдики корxonанинг иқтисодий салоҳияти ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар хусусида анча тавсиялар айтилган ва улар маълум даражада эътироф этилмоқда. Бироқ ушбу кўрсаткичларни таҳлил

---

<sup>13</sup> Пардаев М.К. Молиявий таҳлил муаммолари.// Иқтисод ва ҳисобот, № 1, 1997 -43-45 бетлар, Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси.-Самарқанд, СамКИ, 1997,-59-61 бетлар, Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашр уйи, 1999., Пардаев М.К. Корxonанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш.-Самарқанд, СамКИ, 1998 ва ҳ.к.

килиш усуллари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат уни ифодаловчи кўрсаткичларни назарий жиҳатдан ҳар бирини асослашни ва сўнгра уларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Шу жиҳатдан корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини асослаш ва уларни таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки хўжалик юритувчи субъектларга даромад (фойда) келтиришда, унинг фаолиятини таъминлашда корхонанинг активлари билан бирга унда банд бўлган меҳнат салоҳиятлари ҳам иштирок этади.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун, таъкидланганидек, асосий ва айланма маблағлар билан иш кучининг ҳам иштироки лозим. Ҳозирги пайтда ушбу кўрсаткичлар билан биргаликда номоддий активлар ҳам корхонага маълум даражада даромад (фойда) келтиришда иштирок этади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ушбу ҳолатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

### **I- боб бўйича хулосалар**

Бозор муносабатлари шароитида раҳбарларнинг тегишли ахборотларни билиши ҳали етарли эмас. Эндиликда раҳбарлар ахборотлардан фойдаланиш усулларини, улардан тўғри ва асосли хулоса чиқариш учун таҳлил қилиш йўлларини ва буларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш тамойилларини билиши зарур бўлиб қолди.

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва асосий вазифаларидан бири таҳлил қилинаётган объект ёки категорияни тўғри ва батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва усулологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ

хулоса чиқариш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг кўплиги ёки озлигига қараб ўрганилаётган объект ёки категорияни баҳолаш учун етарли ёки кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

**2-боб. “Радиант импекс” маъсулияти чекланган жамиятининг  
молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлили ва унда қўлланиладиган  
усуллар**

**2.1. Таҳлилда қўлланиладиган анъанавий ва математик усуллар ҳамда  
уларнинг классификацияси**

Иқтисодий жараёнларини ўрганиш алоҳида хўжалик элементлари, фактлар, ҳодиса ва ҳолатларни кузатишдан бошланади ва улар биргаликда хўжалик жараёнини, хўжалик фаолияти мазмунини у ёки бу бошқариш тизимида ифодаланади. Аммо шу билан бирга иқтисодий жараённи тўлиқ, бутунлигича ўрганиш керак бўлади, негаки бир вақтнинг ўзида умумий йўналиш ва уни таъминлаш учун зарур бўлган шароитлар ва фаолиятлар текширилади.

Иқтисодий таҳлилни олиб боришда хўжалик жараёнлари биргаликда, ўзаро боғланган ҳолда ва ўзаро муносабатлари келишилган ҳолда ўрганилади. Иқтисодиётдаги ўзаро боғланишлар, бир-биридан келиб чиқишлар ва биргаликдаги муносабатлар ҳамда уларни миқдорий баҳолаш таҳлилнинг энг аҳамиятли масалалари ҳисобланади. Боғланишлар сабаблари барча хўжалик асослари, ҳодиса ва шароитларни қамраб олади. Бу боғланишларсиз хўжалик фаолияти давом эта олмайди, ривожланмайди, тўхтаб қолади. Сабабли ёки омилли таҳлилни иқтисодий жараёнларда қўллаш натижасидан шу нарса келиб чиқадики, хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳар бир сабаб, ҳар бир омил ўзига яраша баҳо олади. Шу мақсадда даставвал сабаб-оқибат омиллари ўрганилади, бунинг учун улар гуруҳлар бўйича тавсифланади: моҳиятли ва моҳиятсиз, асосий ва қўшимча, аниқловчи ва аниқламайдиган омилларга ажратилади. Бундан кейин энг аввало хўжалик жараёнларига моҳиятли, асосий ва аниқловчи омилларнинг таъсири ўрганилади. Моҳиятсиз, қўшимча ва аниқланмайдиган омилларни ўрганиш, агарда зарур бўлса иккинчи

навбатда олиб борилади. Иқтисодий жараёнларга таъсир этувчи барча омилларнинг таъсирини ўрганиш жуда ҳам қийин масала ва амалда ҳамма вақт ҳам зарур бўлмайди.

Бизнес-режани бажарилишини аниқловчи, таъсир ўтказувчи асосий сабабларни очиш ва тушуниб етиш, уларнинг таъсири ва ўзаро таъсирини аниқлаш – бу таҳлил қилинаётган объектнинг хўжалик фаолияти хусусиятларига тушуниб етишдир. Таҳлил жараёнида хўжалик фаолиятига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланиб ва характерланиб қолмасдан, балки уларнинг таъсир даражаси ҳам миқдорий ўлчанади.

Хўжалик фаолиятини таҳлил этишда кўпгина усулдан фойдаланилади. Бу усулни қуйидаги 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Анъанавий усул;
2. Математик усул;

Анъанавий усул-таркибига қуйидагини киритиш мумкин:

- мутлок, нисбий ва ўртача миқдор кўрсаткич;
- таққослаш гуруҳларига ажратиш, индекс методи, занжирли боғланиш, баланс методи.

Таҳлилда мутлок, нисбий ва ўртача миқдор кўрсаткичи орқали бизнес режанинг бажарилиши кўрсаткични миқдор жиҳатдан ўзгариши аниқланади.

Таҳлилда энг кўп қўлланиладиган усул бу таққослаш усулидир. Унинг қуйидаги шакли мавжуд:

1. Ҳақиқий кўрсаткични бизнес режа билан таққослаш;
2. Ўтган йилдагиси билан таққослаш;
3. Ўртача кўрсаткич билан таққослаш;
4. Илғор корхона кўрсаткичи билан таққослаш.

Гуруҳга ажратиш-ўрганилаётган ходисани бир хил аломатига қараб таркибий қисмга ажратиш тушунилади.

Гурухлаштириш таҳлилнинг муҳим усулидир. Бирон бир натижага таъсир этувчи омил бир қанча бўлса, шундан энг асосийсини аниқлашда бу усулдан фойдаланилади.

Баланс усули - бу бир-бири билан боғлиқлик бир қанча миқдорнинг мувозанатига ишонч ҳосил қилиш ёки бир неча маълум омил ёрдамида номаълум омилнинг таъсирини аниқлаш зарур бўлган ҳолда қўлланилади.

Занжирли боғланиш усули - ишнинг натижасига таъсир этувчи бир қанча омилни ҳисоблашда қўлланилади. Таҳлилнинг бу усулини моҳияти хусусида Маркс бундай деб ёзган эди: "Омилдан ҳар бири ўзгарувчан деб изчиллик билан қараладиган бўлса ва бошқаси эса ҳар қандай комбинациянинг натижаси топилади".


Математик усуллар қаторига қуйидагилар киради:

- график усули:
- омиллар таҳлилининг интеграл усули:
- корреляцион ва регрессион усуллар:
- динамик программалаш усули:
- ўйинлар назарияси:
- оммавий кўрсатиш эвристик.

График усул функция қийматини тегишли аргумент орқали функциянинг боғлиқлигини яққол акс эттиришдир. Иқтисодий таҳлилда графикларнинг барча турли қўлланилади. Чизикли, динамик программалаш кўпинча экстремал масалани ечишда қўлланилади. Экстремал энг паст ёки энг юқори даражадаги кўрсаткич билан ҳарактерланади.

Интеграл услуб-бирон бир кўрсаткичга омил таъсирини занжирли боғланиш усули билан аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолда бу усулдан фойдаланилади. Ўрин алмаштириш кетма-кетлиги миқдорий салмоғи у ёки бу кўрсаткични ўзгартиради. Занжирли боғланиш усулининг

такомиллашуви айрим омилларнинг таъсирини интеграл усулини қўллаш орқали аниқланади.



### 2.1.-расм. Таҳлил босқичлари.

Корхоналарда хужалик фаолиятини таҳлилни ўтказиш учун аввало таҳлил дастурини тузиш лозим. Таҳлил дастурида таҳлилнинг вазифаси,

объекти, мақсади, муддати ва ижрочи таркиби белгиланади. Таҳлилнинг ташкил этиш бир қанча босқичдан иборат у қуйидаги схемада уз аксини топган.

Таҳлилнинг 2- босқичида таҳлил учун маълумот йиғилади ва унинг тўғрилиги текширилади. Текшириш юзаки ва мазмун жиҳатдан бўлиши мумкин. Юзаки текшириш ўз ичига қуйидагиларни олади.

- ҳисоботда маълумотнинг тўлаллиги;
- кўрсаткичнинг арифметик йиғиндиси;
- ҳисоботдаги шаклни молия вазирлиги ва статистика комиссияси

томонидан тасдиқланган шаклга мос келиши:

- маълумотнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги;
- ҳисоботни топшириш муддати мансабдор шахснинг имзоси ва х.к.

Бир ҳисобот шаклидаги маълумот иккинчиси ҳисобот шаклидаги маълумот билан мос келиши текширилади.

Маълум жиҳатдан текшириш қуйидагини ўз ичига олади:

- Инвентаризация натижасини ҳисоботда ўз аксини топиш;
- ҳисоботдаги бюджетга тулов ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш суммасини молия ташкилоти маълумотига мос келиши;
- фойда ва зарарлар счётига ўтказиш кўрсаткичнинг тўғрилигини текшириш (масалан: ҳисоботда ундириб олинмаган дебитор қарздорлигини ҳисобдан чиқариш, табиий офатдан кўрилган зарар, асосий воситаларни тугатилиши ва хокозо).

## **2.2. “Радант импекс” МЧЖ нинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилида қўлланиладиган ахборотлар**

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар одатда иккига бўлинади: ҳисобланадиган ва ҳисобланмайдиган.

**Ҳисобланадиган ахборот** манбаларига қуйидагилар киради:

- \* бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи;

- \* статистика ҳисоби ва ҳисоботи;
- \* тезкор ҳисоб ва ҳисобот;
- \* танлаб кўзатиш маълумотлари.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида хўжалик операциялари, хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ифодаланади.

Статистика ҳисоби ва ҳисоботида ҳодиса ва жараёнлар умумий мажмуасининг миқдорий жиҳатлари ифодаланади.

Тезкор ҳисоб ва ҳисоботларга ҳисобот даври ичида олиш мумкин бўлган ахборотлар мажмуаси киради.

Танлаб кўзатиш натижасида олинган маълумотлар ҳисоботидаги кўрсаткичларни чуқурлаштириш ҳамда ҳодиса ва жараёнларни алоҳида ўрганиш имконини беради.

**Ҳисобланмайдиган маълумот манбаларига** қуйидагилар киради:

- \* ички идора ва идорадан ташқари тафтиш маълумотлари;
- \* ички ва ташқи аудит ҳисоботлари;
- \* лаборатория ва тиббий-санитария назорати материаллари;
- \* солиқ хизмати ходимларининг текшириш натижалари;
- \* меҳнат жамоасининг мажлис ва йиғилиш қарорлари.

Шунингдек, таҳлил жараёнида тасдиқланган режа, бизнес-режа ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошкоралиги нуқтаи назаридан ёпиқ ва очиқ маълумотларга бўлинади. Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда ифодаланган маълумотлар ташқарига, бошқа субъектларга тақдим қилинади ва улар очиқ маълумотларга киради.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг меъёрий кўрсаткичларини, таърифлари, лимитлари ва уларни баҳолаш йўллари ишлаб чиқади. Бу кўрсаткичлар хўжалик субъектининг тижорат, технологик, ишлаб чиқариш сирини бўлиб ҳисобланади.

Корхона ҳисоботлари йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар шаклини тузиш бўйича кўргазмага амал қилган ҳолда тузилади. Аммо унда хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Буни аниқлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Бухгалтерия баланси кўрсаткичларини бош китоб кўрсаткичларидаги рақамлар билан солиштириш. Улар бир-бирига мос равишда тўғри келиши лозим.
2. Бухгалтерия балансидаги ҳар бир бўлимнинг моддаларидаги суммаси шу бўлим жами суммасига ва актив қисмининг пассив қисмига тўғри келиши аниқланади.
3. Бухгалтерия балансидаги молиявий ҳисобот таркибига кирувчи бошқа ҳисобот кўрсаткичлари билан тўғри келиши текширилади.
4. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1994 йил 26 мартда ишлаб чиқилган 164-сонли «Бухгалтерия ҳисоботи ва баланси тўғрисидаги Низом»га ва 1997 йил 25 январда тасдиқланган «Корхона ва ташкилотларнинг йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларини тўлғазиш бўйича Қўлланма»га тўғри келиши кўриб чиқилади. Бу қўлланмага ҳар йили қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб борилади.

Раҳбар молиявий ҳисоботни тасдиқлашда шу қўйилган талабларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини текшириб кўриниши ва ишонч ҳосил қилгандан сўнг, унга имзо чекиши мумкин.

Корхонанинг молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳар йилги ўзгаришларни ўзида ифода этадиган «Корхона (ташкилот)ларда йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларнинг шакли ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан тузилади.

Ушбу буйруққа асосан барча ҳуқуқий шахслар (бюджет, суғурта, банк муассасаларидан ташқари) тегишли ташкилотларга ўзларининг молиявий ҳисоботларини топширадилар.

Йиллик ҳисоботларнинг таркибига қуйидагилар киради:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

5-шакл «Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот»

Ярим йиллик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

Чораклик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома».

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1998 йил 25 июндаги 79-сонли буйруғи билан молиявий ҳисоботлар таркибига 2-б шакл «Молиявий-иқтисодий ҳолат тўғрисида» маълумотнома киритилган. Бу маълумотнома корхонанинг чораклик ва ярим йиллик ҳисоботлари билан биргаликда топширилади. Ушбу ҳисобот ва маълумотномалардан фойдаланган ҳолда, корхона раҳбари молия-хўжалик фаолиятининг аҳволи жорий йилда қандай эканлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Бироқ молиявий ҳисоботнинг барча имкониятларидан фойдаланиш бевосита ундан фойдаланувчиларнинг малакаси, билим савияси ва шахсий

сифатларига боғлиқ. Раҳбар корxonанинг умумий иқтисодий муаммоларини яхши билиш билан бирга, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўқий олиши, улар ўртасидаги боғлиқликларни ҳам билиши лозим.

Масалан, «Бухгалтерия баланси» ва бошқа молиявий ҳисоботлар маълумотларига асосан корхона раҳбари маблағларнинг миқдорини, уларнинг шаклланиш манбаларини, умумий маблағларда ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган мажбуриятлар ҳиссасини, узоқ муддатли ва айланма активларининг улушини, хўжалик фаолиятидаги иштирок этаётган ўзининг айланма маблағлари, улардан қанча фойда олганлиги, бюджетдан қанча қарздор эканлиги, дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати, шундан қанчаси муддати ўтганлиги, баланснинг ликвидлиги, корxonанинг молиявий барқарорлиги каби муҳим кўрсаткичларни аниқлаши, билиши ва шулар бўйича корxonанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида зудлик билан хулоса чиқариши лозим.

Раҳбар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл маълумотларига асосан корxonанинг даромади, ҳаражатлари ва соф фойданинг шаклланиш йўллари аниқлаши мумкин.

У «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» 3-шакл маълумотларига таяниб, асосий воситаларнинг ҳисобот даври боши ва охиридаги қолдиқларда ўзгаришлар нималар эвазига содир бўлганлигини, қанча асосий восита сотиб олинганлигини, уларнинг қанчаси ишга туширилганлиги ва қандай йўллар билан камайганлигини (сотилганлиги ва ҳисобдан чиқарилганлиги) билиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳисобот асосида асосий воситаларнинг қанча қисми эскирганлиги, унинг яроқлилик даражаси ва қанча қисми актив ва пассив қисмлардан иборат эканлиги тўғрисида ҳам хулоса қилиш мумкин.

4-шакл - «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»дан корхона пул маблағларининг турлари бўйича ҳисобот давридаги кирими ва чиқими

тўғрисида маълумотларни олиш мумкин. Бунда пул оқимлари барча фаолият турлари бўйича алоҳида кўрсатилади. Шунингдек, корхонанинг валюта маблағлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ушбу ҳисоботда ўз аксини топган.

5-шакл - «Ўз маблағлари (капитали) тўғрисида ҳисобот»да корхона маблағлари, уларнинг таркиби, ҳаракати, ҳисобот давридаги ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар ифодаланади.

Ҳозирги пайтда молиявий ҳисоботларнинг энг муҳимларидан бири «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома» - 2-шаклдир. Бу ҳисоботда давлатимиз ичидаги ва ташқарисидаги корхоналарнинг ушбу қарзлар бўйича маълумотлари ўз ифодасини топган. Ҳар бири бўйича муддати ўтган дебиторлар ва кредиторлар ҳам ушбу ҳисоботда кўрсатилган. Ушбу ҳисобот бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳужжатдир. Чунки миллионлаб пул маблағи муддати ўтган дебитор ва кредитор бўлиб, жорийдан четлаштирилган. Бу эса корхонанинг ҳам, давлатимизнинг ҳам иқтисодий қудратини пасайтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ушбу маълумотларга корхона раҳбарлари алоҳида аҳамият беришлари ва уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқишлари лозим.

Яқинда жорий қилинган «Молиявий-иқтисодий ҳолат тўғрисидаги маълумотнома»да қуйидагилар: корхона хўжалик маблағларида давлат маблағларининг ҳиссаси; ходимлар сони; ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти; ишлаб чиқаришга жалб қилинган хом ашёнинг четдан келтирилган ва маҳаллий манбалари бўйича улуши; экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми каби ахборотлар ўз аксини топган.

Ушбу молиявий ҳисобот маълумотларидан оқилона фойдалана билиш катта самаралар келтиради. Ахборотлар шунчаки ахборотлар учун эмас, балки улардан тўғри фойдаланиб, корхонанинг аҳволини ўрганиб

тегишли хулоса чиқариш ва шу асосда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун қўлланилиши лозим.

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий қисмларидан биридир. Шунинг учун корхона раҳбари уни иқтисодий жиҳатдан ўқий олиши, ҳар бир моддасида ифода этилган маълумотлар асосида корхонаси аҳволини кўра билиши, маблағлар қаердан келиб тушди, улар қаерга жойлаштирилди, самарали ишлаш учун шу маблағлар етарлими деган саволларга жавоб топа олиши лозим. Шу саволларга жавоб бериш учун корхона раҳбари баланс тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиши керак.

«Баланс» атамаси лотинча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади. У тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия балансининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги белгилари бўйича таснифланади: тузилиш вақти, ахборот ҳажми, мулкчилик шакли, акс эттириш объекти, тозалаш усули.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия баланслари: кириш, жорий, тугатиш, бўлиш ва бирлаштириш баланслари бўлиши мумкин.

Кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади. Унда корхона ўз фаолиятини бошлаётган пайтдаги бойликлар суммасини белгилайди.

Жорий баланслар корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилиб турилади.

Тугатиш баланслари корхона тугатилганда тузилади.

Бўлиш баланслари йирик корхона бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади. Шунинг учун бу баланс баъзида бериш баланси ҳам дейилади.

Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар бир корхонага бирлашганда (қўшилганда) тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича баланслар бир марталик ва йиғма балансларга бўлинади. Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади.

Йиғма баланс бир марталик баланслар асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари ва шу кабилар)нинг ҳўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилик шаклларига кўра давлат, корпоратив, хусусий, аралаш ва қўшма корхоналар, шунингдек, жамоат ташкилотлари балансларига бўлинади.

Акс эттириш объектига кўра баланслар мустақил ва алоҳида балансга ажратилади. Мустақил балансни ҳуқуқий шахс бўлган корхоналар тузади. Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, цехлар, корхонанинг автотранспорт ва турар жой-коммунал ҳўжаликлари ва шу кабилар) тузади.

Тозалаш усулига кўра - баланслар баланс-брутто ва баланс-неттога ажратилади.

Баланс-брутто - тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи балансдир. Асосий воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархиёки қолдиқ қийматини) аниқлашда қилинадиган суммалар, бошқа моддалар миқдоридаги суммалардан чегириладиган моддалар тартибга солувчи моддалар дейилади. Масалан, асосий воситалар қолдиқ қийматини аниқлаш учун «Асосий воситалар» суммасидан «Асосий воситаларнинг эскириши» суммаси чегирилади. Баланс-бруттода тартибга солувчи моддалар суммаси баланс якуни қийматига киритилади.

Баланс-неттода - баланснинг умумий қийматидан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилади. Бу жараён балансни «тозалаш» дейилади. Ўзбекистондаги барча корхоналар ҳозирги пайтда баланс-нетто тузмокда, яъни баланс якунига: асосий воситалар, ярзон ва тез эскирувчан буюмлар

қолдик қиймати, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилмоқда.

Шундай қилиб, бухгалтерия баланси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Корхона эгалик қиладиган воситаларни акс эттирувчи активлар.
2. Корхона тасарруфидаги ўз маблағлари.
3. Кейинчалик қайтарилиши лозим бўлган активларни сотиб олиш, ҳосил қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар.

Корхона баланси активларини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

- \* балансни тузиш кунда корхонада бўлган воситаларни (асосий воситалар, товар захиралари, пул маблағлари ва ҳоказолар);
- \* уларнинг жойланишини (асосий воситаларда, капитал қурилишда, дебиторлик қарзида ва ҳоказоларда);
- \* уларнинг хўжалиқдаги асосий ролини (айланма, асосий ёки жалб этилган маблағлар).

Баланс пассиви маълумотлари асосида қуйидагиларни билиб олиш мумкин:

- \* маблағ қайси манбадан келиб тўрганлигини;
- \* маблағлар кимга тегишли (ўзиникими ёки жалб қилинганми) эканлигини;
- \* маблағларнинг белгиланган мақсади қандай эканлигини (узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қўйилмалар).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги «Корхоналар (ташкilotлар) йиллик ва йил чораги молиявий ҳисоботларининг шакллари ҳамда ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида»ги 5-сонли буйруғига мувофиқ 1997 йил 1 январдан бошлаб чораклик ҳисоботининг янги шакллари жорий этилди.

Баланс активи ва пассивида барча баланс моддалари иккита йирик бўлимга гуруҳланган. Балансда актив моддалари кўрсаткичлари пассив моддалари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар тенг бўлиши шарт.

Бундай ўзаро боғлиқликни шартли равишда «Радиант импекс» маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) молиявий ҳисоботи мисолида кўриб чиқайлик (2.1-жадвал).

Мазкур корхонанинг баланси йил бошида 27147 минг сўм, йил охирида эса 29537 минг сўмни ташкил этган. Шу тариқа, мазкур МЧЖ йил охирига келиб 29537 минг сўмлик хўжалик маблағларига эга бўлган деган хулосага келиш мумкин. Бу маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланган: узоқ муддатли активлар, яъни асосий воситаларда, тугалланмаган капитал қурилишда ва узоқ муддатли инвестицияларда - 12971 минг сўм, жорий активларда - 16566 минг сўм. Бу маблағлар ўз маблағлари ҳисобидан - 21703 минг сўм ва корхона мажбуриятлари ҳисобидан - 7834 минг сўм ( $16566 - 8732 = 7834$ ) миқдорида қопланади.

Ўз маблағлари қуйидаги тарзда тақсимланади: узоқ муддатли активлар - 12971 минг сўм, жорий маблағлари - 8732 минг сўм ( $21703 - 12971 = 8732$ ). Жорий маблағларининг қолган суммаси, яъни 7834 минг сўм жалб қилинган маблағлар ҳисобига қопланади. Шу тариқа ўз маблағларининг жорийдаги улуши 52,7 фоизни ташкил этади.

Актив ва пассив бўлимлари ўртасидаги ўзаро муносабатни «Радиант импекс»МЧЖ баланси бўйича кўзатиш мумкин.

Мазкур корхонада таҳлил қилинаётган давр охирида хўжалик маблағлари 29537 минг сўмни ташкил этган. Улар қуйидагилар ҳисобига ташкил этилган:

1. Ўз маблағлари - 21703 минг сўм.
2. Жалб қилинган маблағлар (қисқа муддатли қарздорлик) - 7834 минг сўм.

## 2.1 - Жадвал

## «Радиант импекс» МЧЖнинг ҳисобот йилидаги қисқартирилган бухгалтерия баланси

минг сўм

Актив	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида	Пассив	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида
<b>1. Узоқ муддатли активлар</b>				<b>1. Ўз маблағлари манбалари</b>			
Асосий воситалар бирламчи қиймати бўйича	010	14104	15247	Устав сармояси	320	13211	13211
эскириш	011	5039	5508	Қўшилган сармоя	330	-	129
қолдиқ қиймати бўйича	012	9065	9739	Резерв сармояси	340	5015	4356
Капитал қўйилмалар	030	3923	3175	Таксимланмаган фойда мақсадли тушумлар ва фондлар	350	1362	3459
Узоқ муддатли инвестиция	080	39	57	Келажак давр чиқимлари	360	294	74
Жами бўлим бўйича	010	13027	12971	Жами бўлим бўйича	380	-	474
<b>2. Жорий активлари</b>	<b>120</b>			<b>2. Мажбуриятлар</b>	<b>400</b>	<b>95</b>	<b>-</b>
Ишлаб чиқариш захиралари	120	8925	7588	Узоқ муддатли қарзлар	400	95	-
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	130	909	966	Қисқа муддатли қарзлар	430	-	97
Тайёр маҳсулот	140	1611	4089	Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар	440	1241	1723
Қайта сотиш учун товарлар	150	75	8				
Пул маблағлари	170	42	151				
Валюта маблағлари	180	309	140				
Кассадаги пул маблағлари	190	-	13				
Дебитор ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	220	1224	2123	Кредиторлар	450	2244	2511
бюджет билан ҳисоб-китоблар	240	51	42	Етказиб берувчилар	460	3342	2685
ходимлар билан ҳисоб-китоблар	250	-	1	бюджет бўйича қарздорлик	470	124	160
бошқа дебиторлар	260	947	1465	иш ҳақи бўйича қарздорлик	480	78	60
				ижтимоий суғурта ва таъ-минот бўйича қарздорлик	530	141	598
<b>Жами бўлим бўйича</b>	<b>300</b>	<b>14120</b>	<b>16566</b>	<b>Жами бўлим бўйича</b>	<b>540</b>	<b>7265</b>	<b>7834</b>
<b>Жами активлар бўйича</b>	<b>310</b>	<b>27147</b>	<b>29537</b>	<b>Жами пассив бўйича</b>	<b>550</b>	<b>27147</b>	<b>29537</b>

3. Ўз маблағларининг 12971 минг сўми узоқ муддатли активларни шакллантиришга йўналтирилган.

4. Қолган қисми эса (8732 минг сўм) ўз жорий маблағларини ташкил этади. Қисқа муддатли қарздорлик (7834 минг сўм) жорий активларини тўлдириш учун тўлиқ фойдаланилган.

Шу тарика, жорий активларининг 8732 минг сўми ўз маблағлари қолган қисми 7834 минг сўми қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан қопланган.

Актив моддаларининг ўзаро боғлиқлиги бухгалтерия баланси моддалари бир қанча ўзгаришларни талаб қилади.

Амалиётда бундай ўзгаришларнинг тўртта тури кузатилади.

1. Фақат баланснинг актив қисмидаги суммаларнинг ўзгариши. Масалан, ҳисоб-китоб счегида маблағ камайди. Кассада эса шу суммага маблағ кўпаяди. Бироқ ўзгаришлар тенг бўлганлиги сабабли, баланс якуни ўзгармайди.
2. Баланснинг пассив қисмидаги суммаларнинг ўзгариши. Фойданинг бир қисмини бирор фондга кўшиш бунга мисол бўлиши мумкин. Бу ҳолда фойдаланилмаган фонд суммаси кўпаяди. Пассив якуни ҳам ўзгармайди. Чунки ўзгаришлар ўзаро тенгдир.
3. Баланс активи ва пассиви суммаларини бир маромда кўпайтириш. Масалан, етказиб берувчилардан материаллар келди, дейлик. Бунинг натижасида «Материаллар» актив моддаси кўпаяди. Худди шу сумма ҳисобидан етказиб берувчиларга қарз (пассив моддаси) ҳам кўпаяди. Яъни баланснинг иккала қисми ҳам (актив ва пассив) бир хил миқдорда кўпаяди.
4. Баланснинг актив ва пассив моддаларини бир маромда камайтириш. Масалан, ҳисоб-китоб счегида етказиб берувчига материаллар учун маблағ тўланди. Натижада, «Ҳисоб-китоб счеги» актив моддаси камайди ва худди шу суммага етказиб берувчига қарздорлик (пассив

моддаси) ҳам камаяди. Яъни баланснинг иккила қисми бир хил камаяди.

Бухгалтерия баланси моддалари молиявий ҳисоботнинг муайян шакллари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқдир. Зеро, 2-сон «Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот» шаклида корхона томонидан бир йилда олинган фойда ҳисоб-китоби берилади. Фойданинг барча 5 тури бўйича ҳисоб-китоб келтирилади. Бу шакл маълумотномасида эса бюджетга барча тўловлар кўрсатилади.

Бухгалтерия балансининг пассив қисми 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да тақсимланмаган фойда суммаси кўрсатилади. Активнинг 2-бўлимида дебиторлик қарздорлигида турлари бўйича сумма берилади. Корхонанинг дебиторлик қарздорлиги йил охирида 3644 минг сўмни ташкил этди. У бир йилда 1396 минг сўмга ошган. Баланс пассивининг 2-«Мажбуриятлар» бўлимида бир йилда муддати ўзайтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги 85 минг сўмга кўпайган ва 6014 минг сўмни ташкил этган кредиторлик қарздорлиги қайд этилган.

Назорат қилиш учун молиявий ҳисоботда махсус «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» бор. Унда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг вужудга келиши акс эттирилади. Яъни улар қандай корхоналар бўйича ташкил этилганлиги ва суммаси кўрсатилади. Мисолимизда бутун суммада муддати ўзайтирилган дебиторлик қарздорлиги 2383 минг сўм ёки бутун қарздорларнинг 65,4 фоизини, кредиторлик қарздорлиги 4033 минг сўм ёки 67,1 фоизини ташкил этган. Бундай ҳолат қониқарсиздир, чунки катта маблағлар мўзлатилган бўлиб, улардан хўжалик фаолиятида фойдаланилиши мумкин эмас.

Баланс активининг 1-бўлимида асосий воситалар ҳақидаги маълумотлар: уларнинг бошланғич қиймати, эскириши ва қолдиқ қиймати мавжуд. 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот»да асосий воситалар турлари, уларнинг ҳаракати ҳамда бошланғич қиймати бўйича давр боши ва охиридаги қолдиқлари (уларнинг эскириши ва қолдиқ

киймати) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар асосий восита ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун жуда муҳимдир.

4-шакл «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот»да пул маблағларининг барча турлари - хўжалик фаолияти, дивидендлар, солиққа тортиш, инвестициялар ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар кўрсатилади. 4-шакл бухгалтерия баланси билан ўзаро боғлиқ. Бухгалтерия балансининг 170, 180 ва 190-сатрлар бўйича қолдиқ пул маблағлари 4-шаклда 070 ва 080-сатрлардаги пул маблағлари қолдиқларига тенгдир. «Валюта маблағлари ҳаракати ҳақидаги маълумотнома»да (090 ва 120-сатрлар) валюта маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Бу бухгалтерия балансида 180-сатр бўйича кўрсатилади.

5-шакл «Ўз сармояси ҳақидаги ҳисобот»да устав сармояси, кўшилган устав сармояси, резерв сармояси, тақсимланмаган фойда ҳаракати ҳақидаги маълумотлар берилади. Баланс пассивининг 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да уларнинг йил боши ва охиридаги аҳволи кўрсатилган. Бундай шаклга асосланиб, корxonанинг ўз сармояси ташкил бўлиши ва ҳаракати, шунингдек тузилмаси таҳлил қилинади. Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда шу тарзда молиявий ҳисоботнинг барча шаклларида фойдаланиш зарур.

Улар бир-бирини тўлдириб боради. Мазкур маълумотлар молиявий ҳисоботнинг шакллари ўртасидаги оддий боғлиқликни ифодалаш билан чекланмайди. Улар корxonани бошқариш ва маълумотларни назорат қилиш учун ҳам ўта муҳимдир.

Бухгалтерия балансини таҳлилга тайёрлаш уни тузишнинг тўғрилигини ва айрим моддаларининг аниқлигини текширишни, баланс кўрсаткичлари билан ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғланишни аниқлашни, унинг айрим кўрсаткичларини тартибга солувчи суммалардан «тозалашни» ва йирикроқ пул ўлчамидаги суммаларни (миллион сўмларда) яхлитлашни назарда тутати.

Баланс тузилиши тўғрилигини текширишда арифметик ва моддий текширувлар амалга оширилади.

Арифметик текширув баланс ва айланма қайднома (ведомост)лар, бош дафтардаги суммаларни солиштириш, баланс гуруҳлари ва бўлимлари бўйича суммаларни, актив ва пассив яқунлари тенглигини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

Моддий текширув моддий бойликлар, пул маблағлари ҳақиқий қолдиғини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Товар-моддий бойликларнинг барча қолдиғи уларни натурал шаклида ҳақиқий мавжудлигига мувофиқ келиши керак. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари қолдиғини ҳисобот маълумотларини йўқлама (инвентаризация) далолатномалари билан таққослаб текширган маъқул.

Балансинг аниқ (реал)лиги баланс моддаларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади. Балансда хўжалик маблағларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

Бу Низомга кўра балансда кўрсатилган барча моддий бойликлар тўғри баҳоланган бўлиши керак, чунки нотўғри баҳолаш хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижасини бўзиб юборади. Нотўғри баҳолаш кўшиб ёзиш, яшириш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар оқибатида юзага келади.

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг боғланиши балансда ва бошқа ҳисобот жадвалларида акс эттириладиган айрим кўрсаткичлар билан қиёслаш орқали аниқланади. Масалан, мисол тариқасида кўриб чиқилаётган бухгалтерия балансида, 1 бўлимнинг актив қисмида «Узоқ муддатли активлар» ифодаланади. Унда асосий воситалар йил бошига ва охирига дастлабки қийматида, уларнинг эскириш суммаси ва қолдиқ

қиймати бўйича ҳам кўрсатилган. 3-сон ҳисобот жадвали «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»да асосий воситалар турларининг йил бошидаги ва охиридаги расшифровкаси, уларнинг йил давомидаги ўзгариши, шунингдек, эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати берилади.

Бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг йил бошига ва охирида кўрсатилган қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар (010, 011, 012 сатрлар) 3-сон шакл маълумотлари (3, 6, 7, 10, 11, 12-катак (графа)нинг 130-сатри)га мувофиқ келиши керак. Бухгалтерия балансининг маълумотлари молиявий ҳисоботини бошқа шакллари билан ҳам худди шу йўсинда таққосланади.

Молиявий аҳволни таҳлил қилиш учун дастлаб бухгалтерия баланси таҳлилга тайёрланиши керак. Таҳлилга тайёргарлик балансни тозалаш, рақамларни яхлитлаш ва бўлимларни гуруҳлашдан бошланади.

Ўзбекистон халқаро андоза (стандарт)ларга ўтишидан олдин ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимида бухгалтерия баланси тартибга солувчи (регулировка қилувчи) моддалар (асосий воситалар эскириши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, савдо устамалари) билан тузилган. Бундай балансининг номи баланс-брутто бўлган. Бухгалтерия балансида рақамлар аниқ бўлиши учун балансни тозалаш, яъни тартибга солувчи моддалар чиқариб ташланиши ва бир қатор моддаларни гуруҳлаш амлага оширилиши керак. Бундай бухгалтерия баланси баланс-нетто, яъни тозаланган баланс деб юритилади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра баланс-нетто баҳолашда тузилади. Баланс якуни корхона тасарруфида бор бўлган маблағлар суммасининг чамаланган баҳосини билдиради.

Бироқ таҳлил қулай бўлиши учун балансни мавжуд регуляторлардан тозалаб, айрим таркиби бир хил бўлган моддаларнинг суммаларини бирлаштириш йўли билан тўлдирилган таҳлилий баланс тузилиши керак.

Тартибга солувчи моддаларга асосий воситалар эскириш, номоддий активлар эскириши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, ишлатилган фойда суммаси, товарларга савдо устамаси киритилади.

Тўлдирилган тахлилий балансни тузишда ҳисобот йилида суммалар акс эттирилмаган моддалар чиқарилиши, шунингдек, турли бўлимлар моддалари, масалан «Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар» моддаси дебиторлар (кредиторлар) ва бошқалар билан ҳисоб-китобларни акс эттирувчи моддалар билан бирлаштирилиши керак.

Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансини тахлилга тайёрлаш ҳам маълум даражада билимни талаб қиладиган иқтисодий ишдир. Шу туфайли бу масалага талабаларни ўқитиш жараёнида, айниқса амалий дарсларда катта аҳамият берилиши лозим.

### **2.3. “Радиант импекс” МЧЖнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлили**

Баланс умумий суммаси корхонанинг муайян бўлим ва моддаларда тақсимланган барча маблағларни акс эттиради.

Баланс алоҳида моддалари ва бўлимлари суммаларининг умумий якунга нисбати уларнинг баланс суммасидаги улушини ташкил қилади. Моддаларнинг муайян санадаги улушлари баланснинг таркибий тузилмаси дейилади. У корхона хўжалик фаолияти тузилиши ҳамда амалга оширилган ишларга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, савдони олсак, баланс активида товар захиралари, саноатда эса асосий воситалар, ишлаб чиқариш захиралари ва ҳаражатлар муҳим ўрин тутиши мумкин.

Бозор муносабатлари шартларида олинадиган кредитлар учун фоизлар юқори бўлганлиги сабабли, баланс пассивидаги манбаларда ўз маблағлар устунлик қилиши керак. Балансни тахлил қилишда унинг тузилмаси аниқланади, хўжалик фаолияти натижасида маблағлар таркиби ва улар манбаларида рўй берган ўзгаришлар ўрганилади, маблағлар

қанчалик туғри жойлаштирилганлиги изоҳланади ва корхона молиявий холати олдиндан баҳоланади.

Хусусан, баланс тузилмаси таҳлил қилинаётганда жорийдан ташқари (узоқ муддатли) ва оборот активлари, ўз ва жалб қилинган маблағлар манбалари ўртасидаги нисбат аниқланади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ўзгарганлиги, узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит ва қарзлардан фойдаланиш самарадорлиги кўриб чиқилади, бу ўзгаришларга баҳо берилади (2.2-жадвал).

«Радиант импекс» МЧЖ мисолида бухгалтерия баланси тузилмасидан келиб чиқиб, юқорида таъкидланганидек хўжалик маблағлари йил мобайнида 2390 минг сўмга ошди ҳамда 29537 минг сумни ташкил этди. Ҳисобот даврида маблағлар манбалари (баланс пассиви) ва уларни жойлаштиришда (баланс активи) ўзгаришлар рўй берди.

Маблағлар манбаларида ўз маблағлари устунлик қилмоқда. Улар хўжалик маблағлари умумий суммасининг 73,5 фоизини ташкил этади ва йил мобайнида 0,3 фоизга ошганлигини кўрсатади.

Мажбуриятлар, яъни қарз ва кредитлар кўринишида олинган маблағлар улуши 26,5 фоиз бўлиб, йил мобайнида 0,3 фоизга камайди.

Ўз маблағлари манбалари устунлик қилган тузилма мақбул бўлиб, у корхонанинг молиявий барқарорлигини кўрсатади.

Бундан кейин жалб қилинган маблағлар тузилмаси ва айниқса кредиторлик қарздорлигига эътибор қаратиш лозим. Ҳисобот даври охирида бутун қарздорлик қисқа муддатли ҳисобланади. Унинг асосий қисмини бюджетга қарздорлик ташкил этади - барча хўжалик маблағлари 9,1 фоиз, маҳсулот етказиб берувчиларга қарздорлик - 8,5 фоиз, буюртмачилар ва ҳаридорлардан олинган бўнақлар - 5,8 фоиз бўлди. Шутариқа, товарлар, хом ашё ва материаллар учун қарздорлик 14,3 фоиз (5,8 + 8,5) бўлиб, у йил мобайнида 1,4 фоизга ошди (14,3- 12,9). «Радиант импекс» МЧЖ бўйича маблағлар манбалари (баланс активи) йил бошида

узоқ муддатли активларда - 43,9 фоиз, жорий активларида - 56,1 фоиз тарзида жойлаштирилган.

Ҳисобот даври учун жорий активларида бўлган маблағлар улуши 4,1 фоизга (56,1 - 52,0) ошган. Баланс тузилмасини таҳлил қилишда жорий активлари тузилмаси махсус кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларда дебиторлик қарздорлиги хўжалик маблағларида энг юқори улушга эга бўлади. У 12,3 фоиз бўлиб, йил мобайнида 4,0 фоизга (12,3 - 8,3) кўпайди.

Пул маблағлари солиштирма оғирлиги пасайгани ҳолда товар-моддий захиралари улуши ҳам 0,3 фоизга ошди. Баланс активида жорий маблағлари улуши ошган бўлса-да, бу қийин сотиладиган активлар ҳисобига амалга ошди.

Бу эса корхона ликвидлилигига (тўловга қобиллигига) салбий таъсир кўрсатади.

Ўз ва қарз маблағларининг кўпайиши асосан тайёр маҳсулот қолдиқлари (2478 минг сўм) ва дебиторлик қарздорлигини (1382 минг сўм) қоплашга сарфланди.

Баланс активи асосида МЧЖ мулкӣ ҳолатини таҳлил қилишда мазкур изоҳловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинган. МЧЖ мулкӣ ҳолатини қониқарли деб топиш мумкин. Хўжалик маблағларида ўз маблағлар манбалари (73,5 фоиз) устунлик қилади. Жорий активлар жорий мажбуриятларни қарийб икки баробар қоплайди.

Буларнинг барчаси ҳамда муддати ўзайтирилган дебиторлик қарздорлиги бўйича катта сумманинг мавжудлиги хўжалик маблағлари тузилмасининг ёмонлашганлигидан ва уларнинг МЧЖ молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Таҳлил қилинган томонлардан ташқари хўжалик маблағлари тузилмаси кўп жиҳатдан корxonанинг фаолият соҳаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Бироқ мулкӣ ҳолатни кўриб чиқиш корхона молиявий ҳолати асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ликвидлилик корхонанинг ўз жорий (айланма) аарктивлари ҳисобидан қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажариш қобилиятини кўрсатади.

Корхонанинг мол-мулкани нақд пулга айлантириш ҳамда узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашга сарфлаш мумкин бўлганида баланс активи (пулланадиган) бўлади. Бунда актив моддаларининг хусусияти шундан иборатки, улар йўқ бўлиб кетмайди, балки бир шаклдан иккинчисига ўтади. Масалан, товар-моддий бойликларнинг маълум қисми сотилади, дейлик. Бу ҳолда корхонадаги товар моддий бойликлар камаяди. Бироқ ҳисоб-китоб варағидаги, кассадаги ёки валюта ҳисоб сметидаги пул маблағлари шунча суммага кўпаяди. Баланс яқуни ўзгармайди.

Чунки товар-моддий бойликлари ҳам, пул ҳам корхонанинг маблағлари бўлиб, унинг баланс активида туради.

Баланс пассиви моддалари «сўндириладиган» бўлади, чунки улар қарз тўланиши оқибатида «йўқ бўлиб кетиш» қобилиятига эга. «Ликвидлилик» пассивда акс эттириладиган мажбуриятларнинг актив маблағлари ҳисобидан қопланишидир. Масалан, солиқлар бўйича бюджетга қарз ўзилган. Бу ҳолда бюджетга қарз тўланган ва ҳисоб-китоб сметидаги пул маблағлари камайган бўлади. Баланс пассивида ҳам, активида ҳам маблағлар солиққа тўланган сумма миқдорида камаяди. Яна бир мисол: харидорларга олдинроқ тўланган бўнак эвазига тайёр маҳсулот берилди. Харидорларнинг бўнақлари ҳисобидан қарздорлик «туғатилади» ва тайёр маҳсулот суммаси ҳам камаяди. Корхона банкрот бўлганида, шунингдек, корхонанинг маблағлари кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун етарлилигини, яъни у қарзини мавжуд маблағлари ҳисобидан йўқотишга (тўлашга) қодирлигини, унда қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш учун назарий жиҳатдан етарли миқдорда айланма маблағлар

мавжудлигини аниқлаш зарур бўлган вазиятларда баланснинг ликвидлиги масалалари айниқса жиддий бўлиб қолади.

Корхона раҳбари бухгалтерия баланси билан танишиб чиқиб, пассивнинг 2-бўлими суммалари активнинг 2-бўлими суммалари билан таққослаш орқали ликвидлилик даражасини аниқлаши мумкин. Агар айланма активлар суммаси мажбуриятлар суммасидан ортиқ бўлса, корхона, асосан, ўз кредиторлари билан ҳисоб-китоб қилиш имконига эга бўлади.

Лекин корхона бухгалтерия баланси ҳақиқатдан ҳам ликвидлиги, яъни тўловга қобилиятли деб ҳисобланиши учун жорий активлар мажбуриятлардан анча (икки баравардан ортиқроқ) кўп бўлиши керак.

Жорий мажбуриятларни бажариш учун ликвидлиги айланиш тезлигига, яъни нақд пулга айланиш тезлигига боғлиқ бўлган турли активлардан фойдаланиш мумкин. Корхона активлари ликвидлилик даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Ликвидлиги энг кучли активлар. Улар жумласига барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий маблағлар, яъни қимматли қоғозлар киради. (1-шакл. Бухгалтерия баланси. Активнинг 2-бўлими, 170-200-сатрлар).

Тез сотиладиган активлар. Улар муддати ўтказиб юборилган қисмдан ташқари дебиторлик қарзларини ва бошқа активларни ўз ичига олади (1-шакл. Активнинг 2-бўлими, 220-дн 290-гача бўлган сатрлар минус 2а-шакл 7-графасининг якуни).

Секин сотиладиган активлар. Бунга баланс активи 2-бўлимининг «Захиралар ва чиқимлар», «Бўлажак давр ҳаражатлари», шунингдек, баланс активи 1-бўлимидан «Узоқ муддатли инвестициялар» деган моддалар киради (1-шакл.Активнинг 2-бўлими, 120 дан 160 гача бўлган сатрлар, активнинг 1-бўлими, 40 дан 100 гача бўлган сатрлар).

Қийин сотиладиган активлар. Булар асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган сармоя маблағлар, ускуна ва қурилмалар, муддати

ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларидир (1-шакл, активнинг 1-бўлими, 12, 22, 30-сатрлар плюс 2а-шакл 7-графасининг якуни).

Молияни бошқариш санъати ҳисоб-счётларда минимал миқдорда маблағ сақлаб, уларнинг қолганини тез сотиладиган активларда сақлашдан иборатдир.

Ҳисоб-китоб-счётидаги сумма қанча катта бўлса, тўловлар ва мажбуриятлар юзасидан мавжуд маблағлар билан ҳисоб-китоб қилиш имконияти шунча кўп бўлади. Бироқ, пул маблағлари захирада ва харажатда, яъни айланишда бўлса, уларни нақд пулга айлантириш анча мураккаб бўлади.

Кредиторлар кредит беришдан олдин қай даражада хатарга йўл кўяётганларини аниқлайдилар. Бунинг учун корхонанинг кредитни қайтариш қобилиятини таҳлил қиладилар, яъни тегишли кўрсаткичлар ёрдамида унинг ликвидлигини ва тўлов қобилиятини билиб оладилар.

Баланснинг муайян моддалари ўртасидаги нисбатни акс эттирадиган корхона ликвидлигини ифода этадиган коэффициентлар ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларидан иборат бутун бошли кўрсаткичлар тизими мавжуд.

Баланснинг тўловга қобилиятлилигини таҳлил қилганда юқорида кўрсатилган гуруҳлар бўйича маблағлар ва қарзларни аниқлаш, ўзиладиган қарзлар даражасини ҳисоблаш ва улар юзасидан хулосалар чиқариш керак бўлади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (2.4-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини, яъни унинг қисқа муддатли мажбуриятлари яқин орада қайтарилмаслигини кўрсатади.

Энг ликвидли маблағлар ва тез сотиладиган активларни энг шошилиш мажбуриятлари ва қисқа муддатли пасивлар билан таққослаб, корхонанинг яқин вақт ичидаги жорий тўловга қобилиятини аниқлаймиз. МЧЖда ҳаммадан тез сотиладиган активлар энг шошилиш мажбуриятлари ва қисқа муддатли пасивлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун етарли эмас.

**2.4. - Жадвал**

**«Радиант импекс» МЧЖнинг ҳисобот йилидаги баланси**  
**ликвидлилигини баҳолаш**

(минг сўм миқдорида)

Пул маблағларига аниқлаш даражаси кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Қарзни ўзишнинг шошиличлик даражаси	Йил бошида	Йил охирида	Ортиқча тўлаш ёки камайиш даражаси			
						йил бошида		йил охирида	
						сўм-ма	даража	сўм-ма	даража
Энг ликвид активлар	351	304	Энг шошилинч мажбуриятлар	5929	6140	-5578	5,9	-5710	5,1
Тез сотиладиган активлар	399	1249	Қисқа муддатли пасивлар	1241	1820	-842	32,2	-474	72,5
Секин сотиладиган активлар	11559	12688	Узоқ муддатли пасивлар	95	-	11464	-	12688	-
Қийин сотиладиган активлар	14838	15296	Доимий пасивлар	19882	21708	-5044	74,7	-6407	70,5

Секин сотиладиган активларни узоқ муддатли пасивлар билан таққослаш келажакда ликвидлилик мавжуд бўлишини, яъни келажакдаги тушумлар ва тўловлар асосида тўлов қобилияти тахмин қилинишини кўрсатади. Лекин бу тўловлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Секин сотиладиган ва қийин сотиладиган активлардан, одатда, корхона банкрот бўлганида қарзларни қоплаш учун фойдаланилади.

Шундай қилиб, «Радиант импекс»МЧЖ йил охиридаги бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича умуман олганда ликвид ташкилот, лекин тўловга қобилиятли эмас. Корхона раҳбарлари дархол унинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришлари керак.

Шу тариқа ҳисоблаб чиқарилган ликвидлилик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари корxonанинг турли даврлардаги балансларини, шунингдек, молиявий ҳолатини баҳолаш мақсадида турли корхоналарнинг балансларини таққослаш имконини беради. Ликвидлилик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари белгиланган меъёрлардан паст бўлган ва ёмонлашиб бораётган корхоналар банкрот деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 28 августда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кредиторларнинг пул маблағлари бўйича талабларини тўла ҳажмда қондиришга, шу жумладан солиқлар, йиғимлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қодир бўлмаган корхоналар банкрот (иқтисодий жиҳатдан ночор) деб ҳисобланади. Бунда банкротликни хўжалик суди эътироф этган ва қарздорнинг ўзи ихтиёрий равишда ўзини тугатиш чоғида эълон қилган бўлиши керак. Хўжалик суди қарздор, кредитор ва прокурор тақдим этган банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Суд банкротликни эътироф этгандан кейин ишончли (ваколатли) шахс тугатиш комиссиясининг кўзатуви остида корхонани тугатиш, шу жумладан, қарзларни ўзиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширади.

Корхонанинг бундай аҳволга олиб бормаслик учун унинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мунтазам таҳлил қилиб борилиши ва баҳолаб турилиши керак. Ликвидлилик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади:

- \* маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- \* тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш;
- \* дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- \* ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- \* жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш;
- \* айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш;

Ликвидлилик ва тўлов қобилияти даражаси яхшиланиши кўп жиҳатдан корхонанинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий бақувватлигига ҳам боғлиқ бўлади.

## II-боб бўйича хулосалар

Таҳлил қилинган томонлардан ташқари хўжалик маблағлари тузилмаси кўп жиҳатдан корхонанинг фаолият соҳаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бироқ мулкӣ ҳолатни кўриб чиқиш корхона молиявий ҳолати асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ликвидлилик корхонанинг ўз жорий (айланма) аарктивлари ҳисобидан қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажариш қобилиятини кўрсатади.

Корхонанинг мол-мулкни нақд пулга айлантириш ҳамда узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашга сарфлаш мумкин бўлганида баланс активи (пулланадиган) бўлади. Бунда актив моддаларининг хусусияти шундан иборатки, улар йўқ бўлиб кетмайди, балки бир шаклдан иккинчисига ўтади. Масалан, товар-моддий бойликларнинг маълум қисми сотилади, дейлик. Бу ҳолда корхонадаги товар моддий бойликлар камаяди. Бироқ ҳисоб-китоб варағидаги, кассадаги ёки валюта ҳисоб счётидаги пул маблағлари шунча суммага кўпаяди. Баланс якуни ўзгармайди. Чунки товар-моддий бойликлари ҳам, пул ҳам корхонанинг маблағлари бўлиб, унинг баланс активида туради.

Баланс пассиви моддалари «сўндириладиган» бўлади, чунки улар қарз тўланиши оқибатида «йўқ бўлиб кетиш» қобилиятига эга. «Ликвидлилик» пассивда акс эттириладиган мажбуриятларнинг актив маблағлари ҳисобидан қопланишидир. Масалан, солиқлар бўйича бюджетга қарз ўзилган. Бу ҳолда бюджетга қарз тўланган ва ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари камайган бўлади. Баланс пассивида ҳам, активида ҳам маблағлар солиққа тўланган сумма миқдорида камаяди. Яна бир мисол: харидорларга олдинроқ тўланган бўнак эвазига тайёр маҳсулот берилди. Тўлов қобилияти хўжалик юритувчи субъектда белгиланган муддатларда тўлашни талаб қилувчи кредиторлик қарзлари юзасидан

ҳисоб-китоб қилиш учун етарли миқдорда пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари борлигини англатади.

Тўлов қобилиятининг асосий белгилари қуйидагилардир:

- \* кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун етарли даражада пул ҳажмлари борлиги;
- \* муддати ўтган кредиторлик қарзларининг йўқлиги.

Бундан ликвидлилик билан тўлов қобилияти бир-биридан фарқ қилади. Ликвидлилик қарзларни тўлаш учун маблағлар мавжудлигини кўрсатса, тўлов қобилияти - қарзни ўзиш имконияти борлигини кўрсатади. Ҳисоб-китоблар ликвидлилик яхши даражада эканлигини, молиявий аҳвол ижобий эканлигини кўрсатиши мумкин. Аслида эса, корхона жорий активлардаги катта маблағларини қарзни тўлашга йўналтира олмаслиги мумкин. Бу товар захираларига талаб йўқлиги, тайёр маҳсулотни сотиш қийинлиги, дебиторлар тўловга қобилиятли эмаслиги, муддати ўтган дебиторлик қарзлари суммаси катталиги туфайли мазкур корхона тўловга қобилиятсиз бўлиб чиқиши мумкин.

### **3-боб. Корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини эконометрик таҳлили ва унинг асосида прогнозлаш**

#### **3.1. Иқтисодий таҳлилнинг эконометрик усуллари**

Иқтисодий-статистик усуллар ёрдамида тасодифий, эҳтимолли характерга эга бўлган иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар ўрганилади. Бу усуллар статистик қаторлар таҳлили асосида, тасодифлар ичида яширинган қонуниятларни аниқлаш имкониятини беради. Бунда барча маълумотлар тўплами эмас, балки фақат бир қисми ўрганилади. Барча статистик усуллар келажакни ўтмишга ўхшашлиги, унинг давоми ҳақидаги тахминга асосланади. Аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Шу сабабли статистик усуллари 100% ишончилиқка эга бўлмайди.

Ўрганилаётган объект ёки жараён ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун барча статистик маълумотлар тўпамидан зарур бўлган статистик маълумотларни тўғри танлай билиш керак. Статистика бундай танлов ўтказиш усуллари ўрганади. Танлов етарли даражада тўла, жараёнларни тўлиқ намоён этиши керак. Иқтисодий таҳлилда энг кўп ва кенг тарқалган иқтисодий-статистик усулларга корреляция, регрессия, омилли ва дисперсия таҳлиллари киради.

Регрессия ва корреляция таҳлилидан фойдаланилганида қандайдир кўрсаткични бир ёки бир гуруҳ бошқа кўрсаткичлардан боғлиқлигини белгиловчи формулалар тузилади. Масалан, меҳнат унумдорлигини меҳнатни меъёрлаштириш даражасидан, фонд билан қуролланганлигидан, маҳсулотларнинг материал сиғимидан ва бошқа кўрсаткичлардан қандай боғланганлиги тенгламаси тузилади. Формулада иштирок этган ҳар бир кўрсаткич (фонд қайтими, материаллар сиғими ва бошқалар) меҳнат унумдорлигига турлича таъсир ўтказади.

Корреляция таҳлили (корреляция-ўзаро нисбат) алоҳида белгилар (кўрсаткичлар) ўртасида муносабатлар (боғланиш) мавжуд бўлганида қўлланилади, яъни бир белгини ўртача қиймати бошқа кўрсаткичларни

ўзгариши билан ўзгаради. Корреляция таҳлили кўрсаткичларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш ва аналитик формасини (тенграмасини) ифодалаш (тенденциясини), кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларнинг зичлигини (кучини) баҳолаш имконини беради. Муносабатлар (боғланишлар) зичлиги корреляция коэффиценти ёрдамида аниқланади. Агарда боғланиш тўлиқ бўлса (уни функционал боғланиш деб аташади) корреляция коэффиценти бирга тенг бўлади. Функционал боғланишларга мисол бўлиб, товар ва сотилган маҳсулотлар ўртасидаги муносабатни кўрсатиш мумкин. Агар кўрсаткичлар ўртасида боғланиш мавжуд бўлмаса, унда корреляция коэффиценти нолга тенг бўлади. Агар боғланиш тўлиқ бўлмаса, яъни у бошқа, алоқаси бўлмаган омиллар таъсири остида ўзгариши мумкин, унда корреляция коэффиценти кўрсаткичларнинг боғланиш кучига қараб 1 ва 0 оралиғида бўлиши мумкин.

Корреляция боғланишлари жуфт (икки ўзгарувчи) ва кўплик корреляция кўринишида бўлиши мумкин. Жуфт корреляцияга мисол бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва иш стажи ўртасидаги боғланишларни келтириш мумкин. Кўплик корреляция боғланишларига мисол қилиб, ишчининг ишлаб чиқариши ва унинг иш стажи, ёши ва маълум боғланишни келтириш мумкин.

Кўплик корреляцияси тасодифий кўрсаткичлар гуруҳи ўртасидаги боғланишларни ўрганади. Иқтисодий таҳлилда кўплик корреляция усулини қўлланилиши ҳисоблаш техникаси яратилганидан сўнг кенгайди ва қисқа муддатда катта ютуқларга эришилди, ҳам иқтисодий, ҳам математика фанларини ривожланишига ўз улушини кўшди.

Кўплик (кўп омилли) корреляция усули мураккаб жараёнларни таҳлил қилишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Бу усул мураккаб жараёнларда рўй бераётган алоҳида ҳодисаларни моделлаштириш ва башорат қилиш имконини беради. Кўп омилли корреляция усулидан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

1. Кўзатишлар асосида тўпланган катта миқдордаги дастлабки маълумотларни қайта ишлаш асосида бир аргументнинг ўзгаришида

функция қийматини ўзгаришини қолган аргументлар қиймати белгиланган шароитда аниқланади.

2. Қизиқтираётган боғланишга бошқа омилларни таъсирини (ўзгартириш) даражаси аниқланади.

Корреляция таҳлили усулларини қўллаётган изланувчилар олдида турадиган асосий муаммолар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-функция кўринишини (турини) аниқлаш;

-омиллар-аргументларни ажратиш;

-жараёнларни тўғри баҳолаш учун зарур бўлган кўзатишлар сонини аниқлаш.

Функциянинг кўринишини танлашнинг қандайдир аниқ ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалари бўлмаса ҳам, ҳар бир изланувчи бу муаммони турлича ҳал қилади. Математика фани берилган қийматнинг ҳар қандай соҳаси учун чекланмаган миқдорда функцияларни келтириши мумкинлигини ҳисобга олиб, кўп изланувчилар функция кўринишини танлаш инсон имкониятлари чегарасидан ташқарида деб ҳисоблашади. Шунинг учун функция кўринишини соф эмпирик асосда танлаш зарур ва кейинчалик уни ўрганилаётган жараёнга тўғри келиши (адекватлиги) текширилади ва қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

Статистикларнинг катта гуруҳи бу ҳақида бошқача фикр билдиришади. Уларнинг фикрича, ҳар қандай жараён корреляция таҳлилида энг кўп қўлланиладиган бир неча функциялар билан ифодаланиши мумкин: чизиқли, логарифмли, даражали, кўрсаткичли ва гипербола функциялари билан. Агар бу жараёнларни аниқловчи ўзгарувчилар нормал ёки нормалга яқин тақсимланган бўлсалар, бу турдаги функциялар ёрдамида кўпгина мураккаб жараёнларни моделлаштириш мумкин. Бу ҳолда ҳам функцияларни танлай оладиган, яхши ишлаб чиқилган алгоритм керак бўлади. Ҳозирча энг яхши ишлаб чиқилганлардан чизиқли функция ҳисобланади, шунинг учун ундан кўпроқ фойдаланилади. Омиллар- аргументларни танлаш услуби ишлаб чиқилмаган. Бу

холда статистика шу соҳанинг яхши мутахассислари фикрига асосланиши керак.

Умуман, тенгламага ортиқча ўзгарувчиларни киритиш фақат ҳисоб-китобларни қийинлаштирибгина қолмай, олинган баҳоларни хатосини оширади ҳам. Баъзи бир зарур ўзгарувчиларнинг тенгламага киритилмай қолиши ҳам мумкин. Ҳар қандай холда ҳам олинган корреляция модели ҳар томонлама статистик баҳоланиши керак.

Изланишларда кўзатишлар сони қанча кўп бўлса, шунчалик ишончли баҳо олинади. Шунинг учун ҳар қандай статистик кўзатишларда кўзатиш сонини кенгайтиришга ҳаракат қилиш керак.

Корреляция таҳлилида кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишлар ва зичлигини белгилаш катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга боғланиш сабабларини ҳам аниқлаш зарур. Кўпинча баъзи бир ҳодисалар ўртасида сабабсиз боғланишлар учраб туради. Бундай боғланишлар “ёлғон” боғланишлар деб аталади.

Регрессия таҳлили – статистик маълумотлар бўйича статистик миқдорлар ўртасидаги регрессия боғланишларини ўрганиш усулидир. Математик статистикада регрессия дебқандайдир миқдорнинг ўртача кўрсаткичини бошқа бир кўрсаткичдан, ёки бир неча кўрсаткичлардан боғланишига айтилади. Функционал боғланиш  $Y=f(x)$  деб аталади, қачонки мустақил ўзгарувчининг ( $x$ ) ҳар бир қийматиға функциянинг аниқланган бир қиймати тўғри келганида, регрессия боғланишида ( $x$ ) нинг бир қийматиға фурсатиға қараб функциянинг ( $Y$ ) турли қийматлари тўғри келади.

Регрессия таҳлилининг мақсади умумий регрессия тенгламасини кўринишини аниқлаш, регрессия тенгламасиға киритилган номаълумлар параметрларини баҳолашни тузишдир. Регрессия таҳлилининг бир ишчининг ишлаб чиқаришиға, фонд қайтимиға, товар маҳсулоти таннархиға, ишлаб чиқариш рентабеллигиға турли омилларнинг таъсирини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Дисперсия таҳлили турли, бир вақтнинг ўзида ўзгарувчи омилларни кўзатиш натижаларини таҳлил қилиш усулидир. Одатда энг аҳамиятли омиллар танлаб олинади ва уларнинг таъсири баҳоланади. Кўзатишлар натижаси, кўзатишларни ўтказиш шароитлари ва бошқа баъзи бир тасодифий таъсирлар натижасида ўзгариши мумкин. Кўзатишлар шароити таъсири нормал тақсимот қонунига бўйсунувчи қандайдир тасодифий миқдор кўринишида ифодаланади.

Математик статистикада тасодифий қийматлар одатда катта миқдордаги мустақил-боғланмаган қўшилувчилар йиғиндиси деб қаралади, уларнинг ҳар бири умумий йиғиндига қараганида кичик ўлчамда бўлади ва бу тасодифий қийматнинг тақсимот қонуни нормал тақсимот қонунидан кам фарқ қилади деб тахмин қилиш мумкин. Бу тахмин дисперсия таҳлилининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Дисперсия таҳлили усули кўпинча турли тадбирларнинг таъсирини баҳолашда қўлланилади, бунда уларнинг самарасини тўғридан-тўғри миқдорий баҳолаш имконияти бир мунча қийин кечади. Дисперсия таҳлили янги техникани ўзлаштиришнинг иқтисодий самарасини, айниқса натижаларни қатъий миқдорий ўлчаш имконияти бўлмаган янгиликларни киритишда фаол қўлланилиши мумкин (ишлаб чиқаришни янгича ташкил қилиш ёки тайёрлашда, меҳнатни ташкил қилиш, янги бухгалтерия ҳисобини жорий этиш ва бошқаларда). Ушбу ва шунга ўхшаш ҳарактерли тадбирларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш кўпинча чамалаб аниқланади ва катта хатоликларга олиб келади.

Шундай қилиб, дисперсия таҳлилининг хусусияти аҳамиятли омилни (омилларни) боғланиши кўзатишлар ўртасидаги фарқларга бир вақтнинг ўзида натижага нормал тақсимот қонунига бўйсунувчи қандайдир тасодифий миқдорларни аниқлашдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини таҳлилида дисперсия таҳлилидан фойдаланишнинг имкониятлари жуда ҳам кенгдир.

Хўжалик фаолияти таҳлилида изланаётган омилларнинг аҳамиятлиги қандайлиги билинади. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўладики, ҳали улар белгиланмаган бўлади. Уларни белгилаш учун омилли таҳлил усулларидадан фойдаланилади. Омилли таҳлил усули кўп ўзгарувчилар ўртасидаги корреляцияни улар ўртасидаги сабабли боғланишларни характери аниқлаш ва сабабли омилларни тақсимоли ҳақида хулоса қилишда фойдаланилади.

Хўжалик фаолияти таҳлили учун бу усулнинг аҳамиятли хусусиятлари – бир вақтнинг ўзида етарлича катта миқдордаги ўзаро боғланган ўзгарувчиларни ўрганишдир.

Статистик моделлаштириш усули. Иқтисодий таҳлилда хўжалик фаолияти натижаларига кўпдан-кўп омилларни таъсири баҳолашга эҳтимолли ёндашиш масалалари кўплаб учрайди. Бундай масалаларнинг баъзи бирлари шу даражада мураккабки, уларнинг тўғри (адекват) математик моделини яратиш катта қийинчиликлар билан боғлиқдир. Бунда статистик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилади (статистик текшириш). Бу усул (Монте-Карло усули) ЭҲМ нинг катта ҳисоблаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кенг тарқалди.

Статистик моделлаштириш усулининг моҳияти таҳлил қилинаётган жараён учун мос келувчи, моделлаштирувчи алгоритм тузиш, ЭҲМ ёрдамида мураккаб тизим элементларини ва улар ўртасидаги боғланишларни тасодифий омиллар таъсири остида ҳаракатини имитация қилишдан иборат. Статистик моделлаштириш усули жуда мураккаб аналитик масалаларни ечиш имкониятини беради: ўрганилаётган тизим бир вақтнинг ўзида ўзлуксиз ва ўзлукли ҳаракат элементларидан ташкил топган бўлиши мумкин; мураккаб табиатнинг кўпдан-кўп тасодифий омиллари таъсири остида жуда мураккаб муносабатларни ифодалаш мумкин ва ҳ.к.

Статистик моделлаштириш усули ҳар бир янги масала учун махсус илмий аппарат яратишни талаб қилмайди ва ўрганилаётган тизимнинг

параметрларини асосан бошланғич шароитларда нисбатан осонгина ўзгартириш имконини беради.

Статистик моделлаштириш турли бошқариш тизимларининг самарасини баҳолашда, янги маҳсулот ишлаб чиқаришда, молиявий ҳолатни таҳлил қилишда, молиявий муносабатларни баҳолашда фойдаланилиши мумкин.

Статистик моделлаштиришни амалга оширишнинг ишчи вақти ва материал воститалар харажатлари натурал эксперимент ўтказишга караганида унча ҳамкўп эмас. Шу билан биргастатистик моделлаштириш натижалари ўзининг қимматлиги билан натурал экспериментларга яқиндир. Статистик моделлаштириш усулининг камчилик томони шундан иборатки, тизимни таҳлил қилиш учун кўп маротаба маълумотларни алмаштириб ҳисоблаш вариантларини ўтказишни талаб қилади.

Эконометрика – иқтисодий-математик таҳлил қилиш усулларининг бир йўналиши бўлиб, танланган қандайдир иқтисодий объектнинг ёки жараённинг фаолияти, намоён бўлиши, ривожланиши ва бошқа иқтисодий объектлар, жараёнлар билан мавжуд бўлган боғланишлари ҳақидаги иқтисодий концепцияларнинг (гипотезаларнинг) параметрларини математик ифодалашда статистика усуллари ёрдамида ўлчаш имкониятларини бериш ва шу йўл билан олинган иқтисодий математик моделлар, олинган маълумотлар асосида аниқ хулосалар қилиш учун қўлланади.

Эконометрика фани мустақил билим соҳаси бўлиб иқтисодиётнинг бозор муносабатлари билан ривожланиб бораётган талабларини қаноатлантириш мақсадида аниқ фан ҳисобланган математика ва маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш фани - статистикани биргаликдаги изланишлари натижасида шаклланган фандир. Эконометрика фани мустақил фан сифатида 1930 йилларда иқтисодий назарияга статистикани кириб келиши билан пайдо бўлган ва иқтисодиётга тезда қўлланила бошланди. Айнан 1930 йилда иқтисодий назарияни статистика ва математика фанлари билан биргаликда боғланиб ривожланиши учун халқаро жамият ташкил этилган эди.

XX аср бошида хўжаликни ривожланишини олдиндан айтиб берадиган “ривожланиш барометрлари”ни тузишга ҳаракат қилган эдилар. Бу барометрлар келгуси конъюнктурани белгилаб олдиндан шароитни қандай бўлишини айтиб бериши керак эди. Бу соҳада энг машҳури Гарвард мактабининг иқтисодий барометрлари ҳисобланар эди. Иқтисодий барометрлар товар ва пул бозорларининг ҳаракатларини олдиндан айтиб беришлари керак эди. Аммо “барометр” 1929-1933 йиллардаги кризисларни олдиндай айтиб бермади. Кризис иқтисодий таҳлил қилиш усулларига танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Натижада, бундай қайта кўриб чиқиш оқибатида иқтисодиётдаги тасодифий омилларни ҳисобга оладиган усуллар – эконометрика яратилди. Эконометрика фанининг асосчилари бўлиб Р.Фриш, Я.Тинберген, Й.Шумпетер ҳисобланади. Улар ўзларининг асарларида иқтисодий назарияни математика ва статистика фанлари билан келишилган ҳолда бирга олиб боришга ҳаракат қилишган.

Иқтисодий адабиётларда эконометрика фани бўйича биринчи изланишлар 1928 йилда Ч.Кобб ва П.Дуглас томонидан ишлаб чиқариш омилларини алмаштириш эҳтимоли бўлган ишлаб чиқариш функцияси ҳақида чоп этилган мақоласи билан бошланади. Улар томонидан таклиф этилган қуйидаги функция эконометрик таҳлилнинг аҳамиятли қуроли (инструменти) бўлиб ҳозирги кунда ҳам хизмат қилмоқда:

$$Y = aF^{\alpha}Z^{1-\alpha}$$

бу ерда  $Y$  - ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми;  $F$ - фойдаланилаётган ишлаб чиқариш фондлари ҳажми;  $Z$  - иш билан бандлар сони;  $\alpha$  - эластиклик коэффиценти;  $a$ - моделдаги константа.

Ишлаб чиқариш функцияси моделларида асосий эътибор такрор ишлаб чиқаришнинг аҳамиятли томонларига қаратилади (категорияларига); фойдалилик, талаб, рентабеллик, ва бошқалар.

Ҳозирги кунга келиб жаҳонда эконометриканинг икки етакчи мактаблари шаклланган: америка ва голландия мактаблари. Иккала

мактабнинг эконометрик моделлари нисбий кўрсаткичлар, тўпламлар, тенгламалар ва регрессия тенгламаларининг тизимлари, лагли номаълумларни ўз ичига олади. Масалан, америка мактабининг Бруклин эконометрик модели 359 тенгламава 55 тенгликлардан иборат. Голландиянинг энг машхур мактабларининг эконометрик моделлари Голландияни ривожланиш модели – тармоқлараро баланс моделлари тизими асосида тузилган бўлиб 53 тенгламадан иборат эди.

Иқтисодиётдаги микдорий қонуниятлар ва уларни сифатли тасдиқи ушбу жараён ёки ҳодиса тўғрисида тўпланган статистик маълумотларни чуқур иқтисодий таҳлил қилиш натижасида қилинади. Бу усуллар иқтисодий ҳодисаларни микдорий нуқтаи назардан ўрганувчи фан – эконометриканинг асосий қисмини ташкил этади. Эконометрика фани иқтисодиётдаги турли микдорий қонуниятларни эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари ёрдамида иқтисодий маълумотларга таянган ҳолда ўрганади ва уларни тасдиқлайди. Иқтисодиётдаги қонуниятлар иқтисодий кўрсаткичларнинг боғланиши ва муносабатлари кўринишида намоён бўлади, уларнинг хусусиятлари математик моделларда ифодаланади. Бундай боғланишларни аниқлаш ва уларнинг математик моделларини тузиш фақат ҳақиқий статистик маълумотларни қайта ишлаш йўли билан, мавжуд муносабатларнинг ички механизмини ва тасодифий омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Иқтисодий жараённинг ёки ҳодисанинг иқтисодий-математик модели моделлаштирилаётган объект ҳақида кўзатишлар йўли билан тўпланган статистик маълумотлар асосида тузилади ва олинган натижалар ҳақиқий объектга мос келиши текширилади, моделдаги учрайдиган камчиликлар ва ноаниқликлар яна қайта таҳлил қилиш, қўшимча маълумотлар тўплаш, аниқликлар киритиш ва тўлдиришлар қилиш билан ривожланиб боради. Тўзилган иқтисодий математик (эконометрик) модел фойдаланишдан олдин чуқур таҳлил қилинади ва ҳар томонлама текширилади. Бунга сабаб макроиқтисодий ва микроиқтисодий боғланган кўрсаткичлар турли

омиллар таъсири остида доимо ўзгариб туради. Иқтисодий таҳлил тузилган эконометрик моделлардаги боғланишларни кўринишини (формасини) аниқлаш ва асослаб бериш ва шу билан ушбу жараёнларни ифодаловчи макроиқтисодий ва микроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртасидаги қонуниятларни ифодаловчи боғланишларни механизимини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради.

Иқтисодий изланишларнинг асосий элементи бўлиб, иқтисодий ўзгарувчиларнинг боғланишларини таҳлил қилиш ва бу боғланишларнинг кўринишини (формасини) тузиш ҳисобланади. Иқтисодиётдаги мавжуд боғланишларни ўрганишнинг қийинлиги шундаки, уларни ташқаридан аниқ кўриш умумун мумкин эмас, аммо бир оз мулоҳазалар қилинса ёки чуқурроқ ўрганилса ёки улар ҳақида кўпроқ маълумотлар тўпланса, бу муносабатлар изланувчига турли кўринишда сезила бошлайди, намоён бўлади. Шу билан бирга иқтисодий жараёнларни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида қатъий, функционал боғланишларнинг йўқлиги ва иқтисодий тизим ва уни ташкил қилувчиларнинг ўта мураккаблиги ҳам бунга биринчи сабаб бўлади. Иккинчидан, ўрганилаётган иқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ифодаловчи ўзгарувчиларга таъсир этувчи омилларнинг барчасини аниқлаш ва ажратиб олишнинг қийинлиги, баъзи ҳолларда эса умуман имкониятини йўқлигидир. Учинчидан, иқтисодий боғланишларнинг кўпчилигини тасодикийлигидир, яъни уларни ташкил этувчи сабаблар ичида тасодикий ташкил қилувчининг мавжудлиги ва унинг таъсири жуда ҳам сезиларлигидир. Тўртинчидан, изланишлар олиб борувчи иқтисодчилар асосан чекланган статистик кўзатишлар тўпламига эга бўладилар ва яна бу маълумотларда турли хилдаги хатоликлар ҳам мавжуд бўлади. Натижада изланиш ўтказилаётган иқтисодий объектлар ва турли иқтисодий жараёнлар жуда мураккаб тус олади ва турли математик ва статистик усулларсиз ўрганиш бир мунча қийинлашади.

Математик-статистика фани (маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш) ва уни иқтисодиётда қўллаш – эконометрика – бу маълумотлар асосида

иқтисодий-математик моделларни тузиш, уларнинг параметрларини аниқлаш ва текшириш, иқтисодий кўрсаткичларнинг хусусиятлари ҳақидаги гипотезаларни ва улар ўртасидаги боғланишлар кўринишини текшириш имкониятини беради, бу эса пировард натижада изланаётган иқтисодий объектни ёки жараёни чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш, келгусига башоратлашга асос бўлиб хизмат қилади, ҳар томонлама самарали бўлган иқтисодий қарорларни қабул қилишга имкон беради. Ҳар қандай иқтисодий изланишлар доимо иқтисодий назариянинг (иқтисодий моделларни) ва амалиётни (статистик маълумотларни) бирлаштиришни, боғлашни кўзда тутаяди. Назарий моделлар кўзатилаётган иқтисодий жараёнларни негизини тушуниб етиш, уларни ифодалашга ва статистик маълумотлар асосида бу моделларни эмпирик тузиш ва текшириш мақсадида фойдаланилади.

Иқтисодий тизимни мавжуд ресурсларини жамият истеъмол қиладиган неъматларга айлантирувчи улкан ишлаб чиқариш жараёни сифатида кўрилганида биринчи пункт бўлиб, иқтисодиётнинг шаклланган ишлаб чиқариш технологик жараёни таркиби ҳисобланади. Бундай таркиб технологик блоklar (ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари) ва улар ўртасидаги шаклланган моддий-ашёвий алоқаларни ўз ичига олади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мос равишда ишлаб чиқаришни технологик таркибини ўрганиш ва моделлаштиришда икки жиҳат ажратилади:

- биринчи жиҳат ресурсларни тайёр маҳсулотларга айлантириш билан боғлиқ: бунда алоҳида технологик - қайта ишловчи блок кўрилади, кириш ва чиқишнинг ўртасидаги ўзаро боғланишлар ўрганилади. Бундай блок қандайдир аниқ бир технологик жараён ёки бир участка, корхона, тармоқ ёки иқтисодий ҳудуд, бутун иқтисодиёт бўлиши мумкин. Бунда технологик блоklarнинг математик моделлари бўлиб ишлаб чиқариш функциялари ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда кўпинча ишлаб чиқариш функцияларини “қора кути” деб ҳам атайдилар, негаки бундаумуман ишлаб чиқариш технологиясига аҳамият берилмайди,

киришга ресурслар ўзатилади ва чиқишда эса тайёр маҳсулот ҳосил бўлади.

- иккинчи жиҳат иқтисодиётнинг алоҳида звеноларини боғловчи ресурслар ҳаракати жараёнларини ўрганишга асосланади. Уларнинг оқимини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, технологик жараёнлар алоҳида кўрилади. Бу оқимлар ҳам маълум технологик (тармоқ) ёки жойлашиш (кенглик) белгилари бўйича умумлаштирилиши мумкин. Улар ўртасидаги ишлаб чиқариш технологик алоқалари баланс моделлари ёрдамида ифодаланиши мумкин. Иқтисодий математик моделлаштиришда бу йўналиш тармоқлараро баланс моделлари деб номланади.

Иқтисодиётдаги миқдорий қонуниятлар ва уларни сифатли тасдиқи ушбу жараён ёки ҳодиса тўғрисида тўпланган статистик маълумотларни чуқур иқтисодий таҳлил қилиш натижасида қилинади. Бу усуллар иқтисодий ҳодисаларни миқдорий нуқтаи назардан ўрганувчи фан – эконометриканинг асосий қисмини ташкил этади. Иқтисодий тизимни мавжуд ресурсларини жамият истеъмол қиладиган неъматларга айлантирувчи улкан ишлаб чиқариш жараёни сифатида кўрилганида биринчи пункт бўлиб, иқтисодиётнинг шаклланган ишлаб чиқариш технологик жараёни таркиби ҳисобланади.

### **3.2. Эконометрик таҳлил натижаларининг ишончлилигини текшириш**

Таҳлил қилинаётган қаторлар динамикаси ҳар доим анчагина узунроқ қаторларнинг танламаси ҳисобланади. Шунинг учун корреляцион таҳлил натижалари ишончлилигини ҳар томонлама текшириш лозим.

Корреляцион ва регрессион таҳлил ишончлилигини текшириш учун Фишернинг  $z$  мезони, Стьюдентнинг  $t$ -мезони, ва  $F$ -мезондан фойдаланилади.

**Фишернинг  $z$  мезони.** Инглиз статистиги Фишер корреляцион ва регрессион таҳлилларнинг ишончлилигини текшириш учун логарифмик

функциядан фойдаланиш усулини ишлаб чиқди:

$$z = \frac{1}{2} \ln \left( \frac{1+r}{1-r} \right). \quad (1)$$

$z$  тақсимот кичик танламада нормал тақсимотга яқин бўлади. Ф.Миллс  $n=12$  ва  $\rho=0,8$  да ( $\rho$ -бош тўпламда корреляция коэффициентини)  $r$  ва  $z$  тақсимот графигини ўтказди.  $z$  нинг ўртача квадратик хатоси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sigma_z = \frac{1}{\sqrt{n-3}}. \quad (2)$$

Ушбу формулада  $\sigma_z$  ўртача квадратик хато фақат тақсимот ҳажмига, яъни  $z$  тақсимоти боғланиш зичлигига боғлиқ бўлмайди.  $r$  дан  $z$  га ўтиш тегишли жадваллар бўйича амалга оширилади ҳамда корреляцион ва регрессион таҳлил натижалари ишончилигини текшириш унча қийин бўлмайди. Фишернинг  $z$  мезонидан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан:

1. Корреляция коэффициентлари бош ва танлама фарқини амалга ошириш ҳамда баҳолашда.
2. Корреляциянинг иккита танлама коэффициентининг мавжуд фарқини баҳолаш.
3. Агар танлама битта тўпламда ўтказилган бўлса, корреляциянинг энг яхши коэффициентини аниқлаш учун.

Стьюдентнинг  $t$  тақсимоти кичик танламалар учун махсус белгиланган.  $t$  тақсимот тақсимлагичли суратга эга бўлган қиймат муносабатларида, кейинчалик арифметик ўртача қиймат тақсимлашда учрайди

$$t = \frac{\bar{x} - m}{\sigma_x} \sqrt{\nu + 1}, \quad (3)$$

бу ерда,  $m$  - бош ўртача;

$\nu$  - эркинлик даражаси сони ( $n-1$ );

$\bar{x}$ ,  $\sigma_x$  - тегишли танлама тўплам арифметик ўртача қиймати ва ўртача квадратик четламаси.

Жуфт корреляция коэффициентини текшириш учун  $n-2$  эркинлик даражасини  $t$  тақсимотга эга бўлган формула орқали қиймати аниқланади.

Агар  $t_r > t$  бўлса, нолинчи гипотезани қўллаб бўлмайти ва бинобарин бош тўпلامда чизиқли корреляция мавжуд. Унинг ишончли таърифи сифатида корреляциянинг чизиқли коэффициенти намоён бўлади. Чизиқсиз боғланишда  $R$  тўпلام корреляциясининг индекси ишончилиги ҳам худди шу усулда текширилади. Бундай ҳолда (4) формуладаги корреляция коэффициенти корреляция индекси  $R$  билан алмаштирилади. Тўпلام корреляция коэффициенти  $R$  квадратик хатога эга

$$\sigma_R = \frac{1-R^2}{\sqrt{n-k-1}}, \quad (5)$$

бу ерда,  $k$ -регрессия коэффициентлари сони.

Шундай қилиб,  $t$  мезоннинг эмпирик қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$t_R = \frac{R\sqrt{n-k-1}}{1-R^2}, \quad (6)$$

бу ерда,  $n-k-1$  - эркинлик даражалари сони;  $t_R$  - жадвалдаги қиймати билан солиштирилади;  $n-2$  - эркин даражалари билан  $t$  тақсимотга эга бўлган

$$t_{a_j} = \frac{a_j}{\sigma_{a_j}}, \quad (7)$$

қиймати асосида регрессия коэффициентларининг ишончилиги текширилади.

Оддий чизиқли корреляция ҳолатида  $a_1$  регрессия коэффициентининг ўртача квадратик хатоси қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\sigma_{a_1} = \sqrt{\frac{\sum (y - \bar{y}_x)^2}{(n-2)\sum (x - \bar{x})^2}}, \quad (8)$$

$\sigma_{a_1}$  тўпلامли корреляцияда  $a_j$  коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$\sigma_{a_j} = \sqrt{\frac{\sum (y - \bar{y}_x)^2}{n-k-1}} \cdot C_{jj}, \quad (9)$$

бу ерда,  $C_{jj}$  - нормал тенгламалар тизими тескари матрицасининг диагонал элемент матрицаси.

**F-мезон.** Бу мезон инглиз статистиги Р.Фишер томонидан ишлаб чиқилган. Тўпламли корреляция коэффицентларининг ишончилигини текшириш учун қуйидаги формуладан фойдаланади:

$$F = \frac{R^2(n-k)}{(1-R^2)(n-1)}, \quad (10)$$

ёки

$$F = \frac{\sum (y - \bar{y})^2 (n-k)}{(n-1)(y - \bar{y}_x)^2},$$

бу ерда,  $n$  - кузатувлар сони;  $k$  - омиллар сони.

Агар  $F > F_\alpha$  бўлса,  $k_1 = n-1$ ,  $k_2 = n-k$  эркинлик даражасига ҳамда  $\alpha$  қийматлар тенгламасига кўра, корреляция коэффицентини ишончли деб ҳисоблаш мумкин.

Корреляцион ва регрессион таҳлилни қўллаш вақтида, омилларни танлаб олишда ва улардан моделларда фойдаланишдаги асосий қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Омилларни ўрганиш билан камраб олинадиган рўйхат чегараланган, омиллар эса назарий асосланган бўлиши лозим.
2. Моделга киритилган барча омиллар миқдор ўзгаришларга эга бўлиши керак.
3. Тадқиқ қилинаётган тўплам сифатли бир жинсли бўлиши лозим.
4. Омиллар ўзаро функционал боғланмасликлари шарт.
5. Келажакда омиллар ўзаро таъсирини экстраполяция қилиш учун моделлардан фойдаланилаётган вақтда характер жиддий ўзгармаслиги, статистик мустаҳкам ва барқарор бўлиши лозим.
6. Регрессион таҳлилда ҳар бир омилнинг ( $x$ ) қийматига бир хил регрессияли натижавий ўзгарувчи ( $y$ ) тақсимооти нормал ёки яқин даражада мос келиш лозим.
7. Ўрганилаётган омиллар тадқиқ этилган, натижавий кўрсаткичли,

мантиқан даврий бўлиши лозим.

8. Натижавий кўрсаткичга жиддий таъсир кўрсатадиган фақат муҳим омиллар таъсирини кўриб чиқиш лозим.

9. Регрессия тенгламаларига киритилган омиллар сони катта бўлмаслиги лозим. Чунки омиллар сонининг катта бўлиши, асосий омиллардан четга олиб келиши мумкин. Омиллар сони кузатишлар сонидан тўрт марта кам бўлиши керак.

10. Регрессия тенгламасининг омиллари турли хил хатолар таъсирида бузилишга олиб келадиган хатоликлар бўлмаслиги керак. Омиллар ўртасида функционал ёки шунга яқин боғланишларнинг мавжудлиги - мультиколленеарлик борлигини кўрсатади. Мультиколленеарликнинг мавжудлиги эса бу омиллар натижавий кўрсаткичларнинг бир томонга таъсир этишидан далолат беради.

Мультиколленеар омилларни ҳисобга олганда регрессия ўрта квадратик тенгламаси ошиб боради. Шунинг учун омилларда мультиколленеарлик мавжуд бўлганда мантиқий мулоҳазаларга амал қилиб, улардан бирини ўчириш лозим. Мультиколленеарлик мавжуд бўлганда, нормал тенгламалар тизими матрицаси айниган матрицага айланиб қолади. Бу эса уларни ечимининг мавжуд эмаслигига олиб келади.

11. Кузатувлар сонини ошириш учун уларнинг маконда такрорланишидан фойдаланиш мумкин эмас. Маконда ҳодисаларнинг ўзгариши авторегрессияни вужудга келтириши мумкин. Авторегрессия эса статистикадаги мавжуд ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишни маълум даражада бузади. Шунинг учун кўрсаткичлар динамик қаторларида регрессион боғланишни ўрганиш статистикадаги боғланишни ўрганишдан тубдан фарқ қилади.

12. Ҳар бир омил бўйича тақсимот нормал тақсимотга эга бўлиши шарт эмас. Бу регрессион таҳлилни натижавий, аломатли қиймат ва

тасодифсиз қийматли омиллар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи сифатида таърифлашдан келиб чиқади.

13. Омилларни натурал бирликда ўлчашда нисбий қийматларга нисбатан ортиқроқ кўриш лозим. Нисбий қийматлар ўртасидаги корреляция, регрессия тенгламаси параметрлари қиймати боғланиш мазмунини бузиши мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилган шартларга риоя қилиш, регрессион таҳлил сифатини оширади ҳамда ишлаб чиқиладиган башоратларнинг янада аниқроқ бўлишига ёрдам беради. Корреляцион ва регрессион таҳлил бир-бири билан узвий боғланган. Регрессия тенгламаларини тузишда боғланиш омилларнинг натижавий кўрсаткич билан зич боғланганлигидан фойдаланилади. Шунинг билан бирга, омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини ўлчаш алоқалар шакли қийматига асосланади ва ниҳоят, корреляция кўрсаткичи регрессия тенгламасига унинг амалдаги қийматини баҳолайдиган муҳим қўшимча сифатида намоён бўлади.

### **3.3. Эконометрик таҳлил асосида корxonанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини прогноз қилиш**

Корxonанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкам бўлишининг илдизи, асосий омили унинг фаолиятида намоён бўлади. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларни молиявий ҳисобот маълумотлари билан бирга фаолият натижаси бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бу ҳолатдан келиб чиқиб корxonанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини, унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаси бўйича баҳолаш ва аниқлашнинг усулологик жиҳатларига ҳам тўхталишни мақсадга мувофиқдир.

Қуйида “Радант импекс” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари берилган. Бу жадвалдан кўриниб турибдики, уни эконометрик таҳлил қилишда кўп омилли таҳлилдан фойдаландик. Бунда натижавий омил

сифатида ( $y$ ) товар маҳсулот ҳажми ва унга таъсир қилувчи омиллар танлаб олинди. Бу ерда  $x_1$ -корхонанинг айланма маблағлари,

$x_2$ -асосий фондлар қиймати,

$x_3$ -меҳнат ҳақи ҳаражатлари,

$x_4$ -номоддий активлар сифатида белгиланди.

Маълумотлар ойлик олинган. Натижада қуйидаги жадвални тузиш мумкин. Масаланинг эконометрик моделини тузишда ва ечишда Microsoft Excel дастуридан фойдаландик. Масала моделини тузиш босқичма босқич амалга оширилади. Биринчи босқичда омиллар ўртасида боғлиқликлар текширилади. Бунинг учун жуфт ва хусусий корреляция коэффицентлари топилади

### 3.1.жадвал

“Радиант импекс” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари

Вақт	чорак	Айланма маблағ, минг сўм	Асосий фондлар қиймати, минг сўм	Меҳнат ҳақи ҳаражатлари, минг сум	Номоддий активлар, минг сўм	Товар маҳсулот ҳажми, минг.сўм.
$t$		$x_1$	$x_2$	$x_3$	$x_4$	$Y$
1	2010, 01	62,5	99,2	30,3	1,2	209,5
2	2010, 02	65,6	105,5	33,3	1,5	320,5
3	2010, 03	72,1	120,5	34,2	2,2	420,5
4	2010, 04	73,1	132,5	35,1	2,3	510,9
5	2011, 01	75,2	135,6	35,9	2,5	620,2
6	2011, 02	76,3	150,2	36,7	2,6	720,5
7	2011, 03	50,4	170,5	38,8	2,3	832,5
8	2011, 04	90,5	190,2	39,2	3,2	941,5
9	2012, 01	100,2	200,9	40,1	4,2	1092,1
10	2012, 02	105,2	220,2	42,1	4,3	1193,2
11	2012, 03	106,3	230,1	45,1	4,3	1281,3
12	2012, 04	110,5	280,1	46,2	2,5	1391,9
13	2013, 01	112,5	310,2	48,2	1,1	1402,3
14	2013, 02	120,5	350,5	50,3	2,1	1502,5

### 3.2-жадвал.

#### Жуфт ва хусусий корреляция коэффицентлари

	Y	x1	x2	x3	x4
Y	1				
x1	0,85875	1			
x2	0,953908	0,951506	1		
x3	0,940501	0,971289	0,587762	1	
x4	0,320137	0,219413	0,171416	0,198108	1

3.2.жадвалдан шу нарса кўриниб турибдики, товар маҳсулот ҳажми билан (y), айланма маблағлар(x1), асосий фондлар қиймати (x2), меҳнат ҳақи ҳаражатлари (x3) ўртасида боғланиш жуда кучли, номоддий активлар (x4)билан боғланиш зичлиги ўртачадан паст эконлигини кўрамиз. Шу билан бирга омиллар ўртасидаги боғланишларни таҳлил қилсак, айланма маблағлар(x1) ва асосий фондлар қиймати (x2), меҳнат ҳақи ҳаражатлари (x3) ўртасида боғланиш жуда кучли. Бу эса мультиколленеарликни келтириб чиқаради.

Мультиколленеарлик ҳолатида омиллараро алоқа зичлигига нисбатан жуфт боғланиш зичлиги кам бўлган омилни чиқариб ташлаш тавсия этилади.

Иккинчи босқиди мультиколленеарликдан ҳолис бўлгандан сўнг, товар маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи иккита омил асосий фондлар қиймати (x2), меҳнат ҳақи ҳаражатлари (x3) бўйича регрессия тенгламасини тузамиз.

### 3.3.жадвал

#### Регрессион статистика жадвали

<i>Регрессион статистика</i>	
Тўплам корреляцияси R	0,953973
R-квадрат	0,910064
Нормал R-квадрат	0,900071
Стандарт хатолик	205,062
Кўзатишлар	21

Бу жадвалдан кўришиб турибдики, омилларнинг биргаликдаги таъсири (туплам корреляцияси R) кучли. Шу билан бирга (R-квадрат) детерминация коэффициенти ҳам юқори, бу эса таҳлилга олинган омилларнинг тўғри танланганлигини билдиради.

### 3.4.жадвал

#### Регрессия коэффициентлари

	<i>Коэффициент</i>	<i>Стандарт хатолик</i>	<i>t-статистика</i>
Y-пересечение	271,2188011	487,0970929	0,556806446
x <sub>2</sub>	3,68392156	1,630019007	2,260048223
x <sub>3</sub>	-3,14424228	20,00084894	0,157205441

Юқоридаги 3.4.жадвал бўйича куйидаги регрессия тенгламасини тузамиз.

$$y = 271,21 + 3,68x_1 - 3,14x_2$$

Учинчи босқичда статистик аҳамият аниқланилади, яъни прогнозлаш мақсадида ишлатилувчи тахминий моделнинг яроқлилиги аниқланилади. Назарий модел бўйича юқорида кўзатишган қийматларини боғланган катталикларни ҳисобланди ва назарий қийматларнинг кўзатилаётган қийматлардан оғишини ҳисоблаб чиқилди. Булар асосида бир қатордаги графиклар ясалди, шу жумладан танлаб олиш графиги (у кўзатилаётган маълумотларга регрессия чизиғи қай даражада яхши танлаб олинганлигини тасвирлайди) ва қолдиқлар графиги каби графиклар ясалади. Қолдиқларда қонуният кўзатилмаслиги шарт, корреляциянинг қайсидир қийматлар билан (агар у бор бўлса, унда моделга қайсидир қонуний амал, аммо у ҳақда маълумот мавжуд бўлмаган сирли, номаълум омил). Олинган моделни сифатини аниқлаш учун маълум статистик критериялар билан таққосланиши ва моделни соғлом фикр нуқтаи назаридан баҳоланиши керак бўлган бир қатор коэффициентлар ҳисобланади.

Бу босқичда регрессия аҳамиятини кўрсатувчи F-критериянинг детерминация коэффициентлари ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

Моделга киритилган омиллар эвазига кўзатилаётган Y кўрсаткичларга нисбатан прогноз (назарий) Y катталигининг вариация улушлари мавжуд. Агар  $R^2 \geq 80$  фоиз бўлса жуда яхши. Омилларнинг қийматлари турли бўлган ҳолда,  $R^2$  коэффициентининг энг юқори кўрсаткичи 1 га (ёки 100 фоизга) етиши мумкин. Агар маълумотларда қайтирилувчи тажрибалар бўлса, моделнинг қанчалик яхши бўлишида нқатъий назар,  $R^2$  коэффициентининг катталиги 1 га ета олмайди. Шунинг учун регрессия ҳисобланишини бошлашдан олдин маълумотлар дубликатлари жадвалдан олиб ташланиши керак. Айрим дастур тўпламлари дубликатларни ягона маълумотларни қолдирган ҳолда автоматик тарзда ўчиради. Бир хилдаги маълумотларнинг қайтарилиши моделнинг ишончли баҳоланиш сифатини туширади. Экспериментал (кўзатиладиган) ва назарий (ҳисоблашга оид) маълумотларнинг тўлиқ келишгани, яъни назарий кўрсаткичлар кўзатилаётган кўрсаткичларга аниқ мос келиш ҳолида  $R^2=1$  га тенг. Аммо бу жуда кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

Регрессион таҳлил воситалари ёрдамида, шу жумладан EXCEL ёрдамида умумий тенглама учун регрессия аҳамияти F-мезони ҳисобланади. Кўзатилган маълумотларга кўра ҳисобланган  $F_p$  (ҳисобланган, кўзатилган F) кўрсаткичини тегишли критик кўрсаткич  $F_k$ , (F критик, жадвалли) билан солиштириш зарур. Статистик жадвалларга кўра белгиланган эҳтимоллик даражаси (модел параметрлари ҳисобланган даража, масалан, 95 фоиз) да  $F_k$  ни танлаб олинади.

Агар кўзатилаётган кўрсаткич  $F_p$  критик кўрсаткич  $F_k$  дан кичик бўлса, тенгламани аҳамиятли деб ҳисоблаб бўлмайди. Бошқа терминология билан сўзлаганда, тахмин этилаётган моделнинг ҳамма кўрсаткичлар аҳамиятлилига нисбатан нол-гипотеза инкор этилмаган ва коэффициентлар тақрибан 0 га тенг деб айтиш мумкин.

Агар ҳисоблаш маълумотлари нотўғри талқин этилса, корреляцион-регрессион таҳлилнинг электрон технологияси умуман фойдасиз бўлиб қолади. Шунга биноан, бир шахсий фикрни қайд этишимиз мумкин “тенгламани башоратлашда қониқарли деб ҳисоблаш учун жавобнинг башорат этилувчи кўрсаткичлари ҳажми жавобнинг стандарт хатоликларидан етарли даражада юқорироқ бўлиши зарур), кўзатилаётган  $F$  кўрсаткичи белгиланган  $F$ -тарқатиш фоизли нуктасидан фақатгина ошишигина эмас, балки ундан 4 маротаба ортиқ бўлиши зарур.

Тўзилган моделни адекватлигини, ишончилигини, автокорреляция мавжудлигини текшириш учун Фишер, Стьюдент, Дарбин – Уотсон мезонларидан фойдаланамиз. Моделни адекватлигини Фишер мезони аниқлаб беради. Бизнинг ҳисоб-китобимизда  $F_{хис} = 99.3$  жадвал бўйича  $F_{жад} = 4.10$ ,  $F_{хис} > F_{жад}$  бўлганлиги учун, моделни аҳамиятли дейиш мумкин.

Стьюдент  $t$ -мезони қиймат модел параметларини ишончилигини белгилайди, ҳисоб-китоблар бўйича  $t_{a_0} = 2.26$ ,  $t_{a_1} = 0.15$  жадвал кўрсаткичлари бўйича  $t_{a_0} = 1.51$   $t_{a_1} = 0.01$  бундан кўриниб турибдики, модел параметрлари ишончли. Моделда автокорреляцияни аниқлашда Дарбин-Уотсон мезони формуласидан фойдаланамиз:

$$d_w = \frac{\sum(y_{n+1} - y_n)^2}{\sum y_n^2} = \frac{15420,9}{11670,17} = 1.32$$

Олинган натижадан шуни кўриш мумкинки, динамик қаторда автокорреляция мавжуд эмас.

Корреляцион-регрессион изланишларнинг 4-босқичида, агар олинган модель статистик аҳамиятга эга бўлса, уни бошқарувни ёки сабабларни прогнозлаш (башоратлаш) учун қўлланилади.

Бунинг учун аввало тренд моделларидан фойдаланамиз. Тренд моделида таъсир этувчи омил ўрнида вақт омили ( $t$ ) олинади. Тренд моделини тузиш учун яна *MS Excel* дастуридан фойдаланамиз. Асосий

омил деб  $X_2$  ва  $X_3$  ларни оламиз, уларга таъсир этувчи омил деб вақт омилини ( $t$ ) оламиз

Юқоридаги жадваллардан  $X_2$  ва  $X_3$  учун қуйидаги тренд моделлар тузилади:

$$X_2 = -4.74 + 28.16 \cdot t;$$

$$X_3 = 23.55 + 2.26 \cdot t.$$

Юқорида тузилган эконометрик модел асосида қуйидаги прогнозни амалга оширдик.

Бу тадқиқот иши ёрдамида “Радиант импекс” МЧЖнинг келажакдаги вазиятларни башоратлаш нуқтаи назаридан қўллаш ва таҳлил этиш мумкин.

Изланиш жараёнида ҳамма кўрсатилган омиллардан учтаси етарли даражада таъсир этиши тўғрисидаги маълумотга эга бўлдик.

### 3.5.жадвал

#### “Радиант импекс” МЧЖ нинг 2012-2014 йилларга прогноз кўрсаткичлари<sup>14</sup>

Вақт	Чорак	Асосий фондлар қиймати, минг сўм	Меҳнат хақи ҳаражатлари, минг сум	Товар маҳсулот ҳажми, минг.сўм.
$t$		$x_2$	$x_3$	$Y$
1	2013, 03	614,8	73,4	2305,3
2	2013, 04	643,0	75,7	2401,9
3	2014, 01	671,2	78,0	2498,6
4	2014, 02	699,3	80,2	2595,2
5	2014, 03	727,5	82,5	2691,8

Барча омилларни кўриб чиққанимиздан сўнг, илмий ишда кўрилаётган барча маълумотлар шубҳасиз корхонанинг ривожланишига ва товар айланмасини кучайишига ўз таъсирини ўтказди ва бу таъсир тўғри

<sup>14</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чизиқли бўлиб ҳисобланади, демак бу кўрсаткичларни яхшиланиши корхонанинг ривожланишига ва савдо хажмининг ўсишига хизмат қилади. Аммо эконометрик моделларда кўзда тутилмаган ва ҳисобга олинмаган омилларни тавсифловчи константанинг мавжудлигини эсдан чиқармаслигимиз зарурдир.

Илмий ишда аниқланганидек, корхонанинг ривожланиши ва унинг ишлаши учун зарур бўлган омиллардан бири бўлган асосий воситаларни кўпайтириш мақсадида корхонага инвестиция қўйилмаларини йўналтириш зарурлиги каби саволлар билан боғлиқ жараёнларни ҳал этиш лозим.

3.10-жадвалдан кўришиб турибдики, кузатувда товар маҳсулоти хажми 2691,8 минг сўмга ортишини кўрамиз. Шунинг унутмаслик керакки, башоратлаш вақт бўйича ҳисобланаётган натижа кўрсаткичи вақтга нисбатан монотон бўлиши керак. Акс ҳолда олинган натижа кўрсаткичининг келгусидаги реал ҳолатини кўрсата олмайди. Агар функция монотон бўлмаса, у ҳолда вақтли функциянинг бошқа кўринишларидан фойдаланилади, сўнгра башорат қийматлари топилади.

### **III- боб бўйича хулосалар**

Статистик усуллар оммавий, такрорланадиган ҳодисаларни ўрганишда асосий восита бўлиб, натижада аниқланган тенденцияларга таяниб, иқтисодий кўрсаткичларни ўзгаришини башоратлашда муҳим ўрин эгаллайди. Математик дастурлаш усуллари ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятларини оптималлаш масалаларини ечишда асосий воситадир. Оммавий хизмат кўрсатиш назарияси эҳтимоллар назарияси асосида оммавий хизмат кўрсатиш жараёнларини миқдорий баҳолашнинг математик усуллари ўрганади. Эвристик усуллар – иқтисодий масалаларни ечишни ноформаллашган усуллари бўлиб, шаклланган хўжалик вазиятларидан келиб чиққан ҳолда интуиция, аввалги тажриба, мутахассисларнинг эксперт баҳолашлари ва бошқалар билан боғлиқдир.

Барча статистик усуллар келажакни ўтмишга ўхшашлиги, унинг давоми ҳақидаги тахминга асосланади. Иқтисодий таҳлилда энг кўп ва кенг тарқалган иқтисодий-статистик усулларга корреляция, регрессия, омилли ва дисперсия таҳлиллари киради. Регрессия ва корреляция таҳлилидан фойдаланилганида қандайдир кўрсаткични бир ёки бир гуруҳ бошқа кўрсаткичлардан боғлиқлигини белгиловчи формулалар тузилади. Дисперсия таҳлили турли, бир вақтнинг ўзида ўзгарувчи омилларни кўзатиш натижаларини таҳлил қилиш усулидир. Омилли таҳлил усули кўп ўзгарувчилар ўртасидаги корреляцияни улар ўртасидаги сабабли боғланишларни характерини аниқлаш ва сабабли омилларни тақсимоли ҳақида хулоса қилишда фойдаланилади.

Иқтисодиётдаги миқдорий қонуниятлар ва уларни сифатли тасдиқи ушбу жараён ёки ҳодиса тўғрисида тўпланган статистик маълумотларни чуқур иқтисодий таҳлил қилиш натижасида қилинади. Бу усуллар иқтисодий ҳодисаларни миқдорий нуқтаи назардан ўрганувчи фан – эконометриканинг асосий қисмини ташкил этади. Иқтисодий тизимни мавжуд ресурсларини жамият истеъмол қиладиган неъматларга айлантирувчи улкан ишлаб чиқариш жараёни сифатида кўрилганида биринчи пункт бўлиб, иқтисодиётнинг шаклланган ишлаб чиқариш технологик жараёни таркиби ҳисобланади.

## Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида корхонани молиявий-иқтисодий таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бозор муносабатлари шароитида раҳбарларнинг тегишли ахборотларни билиши ҳали етарли эмас. Эндиликда раҳбарлар ахборотлардан фойдаланиш усуллари, улардан тўғри ва асосли хулоса чиқариш учун таҳлил қилиш йўллари ва буларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш тамойилларини билиши зарур бўлиб қолди. Бу учун раҳбарлар хўжалик фаолияти ҳақида тўғри ахборотларга ва улардан фойдаланиш усулларига эга бўлиши лозим. Бундан ахборотлар корхонанинг молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларида мавжуд бўлади. Булардан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун эса ҳар бир раҳбар шу ҳисоботларни иқтисодий жиҳатдан ўқиш ва таҳлил қилиш усуллари хамкори билан бизнес тилида гаплашишни билиши лозим.

2. Бухгалтерия баланси» ва бошқа молиявий ҳисоботлар маълумотларига асосан корхона раҳбари маблағларнинг миқдорини, уларнинг шаклланиш манбаларини, умумий маблағларда ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган мажбуриятлар ҳиссасини, узоқ муддатли ва айланма активларининг улушини, хўжалик фаолиятидаги иштирок этаётган ўзининг айланма маблағлари, улардан қанча фойда олганлиги, бюджетдан қанча қарздор эканлиги, дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати, шундан қанчаси муддати ўтганлиги, баланснинг ликвидлиги, корхонанинг молиявий барқарорлиги каби муҳим кўрсаткичларни аниқлаши, билиши ва шулар бўйича корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида зудлик билан хулоса чиқариши лозим.

3. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этилган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий фаоллар тушунилади.

Иқтисодий таҳлил аниқ ва амалий фан бўлганлиги туфайли ундаги қўлланадиган барча тушунчалар ва кўрсаткичларнинг номи, мазмуни ва қиймати мавҳум бўлмасдан аниқ, ҳисобланадиган, маълум бир соҳани ўзида ифода этадиган бўлиши лозим. Ушбу назарий мулоҳаза бевосита корхонанинг иқтисодий салоҳиятига (потенциалига) ҳам тегишли. Шу туфайли уни баҳолашнинг баъзи назарий ва усулологик жиҳатларига, иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан, эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

4. Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- \* иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- \* иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;

- \* иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

5. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ва уларнинг бўлинмаларини фаолиятини чуқур иқтисодий таҳлил қилишда қўлланиладиган энг такомиллашган йўналиш бўлиб, математик усуллардан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда математик усуллардан фойдаланиш таҳлил қилиш муддатини қисқартириш, тижорат фаолияти натижаларига таъсир этувчи омилларни тўла қамраб олиш, тахминий ва содда ҳисоб-китобларни аниқ ҳисоблашлар билан алмаштириш, таҳлилнинг янги, кўп ўлчамли масалаларини қўйиш ва ечишда қўл меҳнати ва анъанавий усуллар билан амалиётда бажариб бўлмайдиган масалаларни ечиш имконини беради.

6. Иқтисодий таҳлилда энг кўп ва кенг тарқалган иқтисодий-статистик усулларга корреляция, регрессия, омилли ва дисперсия таҳлиллари киради.

Регрессия ва корреляция таҳлилидан фойдаланилганида қандайдир кўрсаткични бир ёки бир гуруҳ бошқа кўрсаткичлардан боғлиқлигини

белгиловчи формулалар тузилади. Масалан, меҳнат унумдорлигини меҳнатни меъёрлаштириш даражасидан, фонд билан қуролланганлигидан, маҳсулотларнинг материал сиғимидан ва бошқа кўрсаткичлардан қандай боғланганлиги тенгламаси тузилади. Формулада иштирок этган ҳар бир кўрсаткич (фонд қайтими, материаллар сиғими ва бошқалар) меҳнат унумдорлигига турлича таъсир ўтказди

7. Эконометрик таҳлил асосида моделларни тузиш, уларнинг параметрларини аниқлаш ва текшириш, иқтисодий кўрсаткичларнинг хусусиятлари ҳақидаги гипотезаларни ва улар ўртасидаги боғланишлар кўринишини текшириш имкониятини беради, бу эса пировард натижада изланаётган иқтисодий объектни ёки жараённи чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш, келгусига башоратлашга асос бўлиб хизмат қилади, ҳар томонлама самарали бўлган иқтисодий қарорларни қабул қилишга имкон беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва кодекслари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т., Ўзбекистон 1992 йил(ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси -Т., Ўзбекистон 2008 йил(ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари**

3. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2010 йилдаги ПҚ-1442 сонли Қарори.
4. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2012 йилдаги ПФ-4434 сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449 –сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675 –сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги Қарори.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари**

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги 2009 йил 29 октябрдаги 1082-І-сонли Қарори

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги давлат бюджети тўғрисида”ги 895-І сонли Қарори 11 ноябр 2008 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таснифи, харажатларини функционал ва иқтисодий таснифлари ҳамда бюджетлар маблағлари манбалари ва бўғинлари таснифи. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 15 майдаги 80-сонли буйруғи билан тасдиқланган).

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 24 декабрдаги СБ/03-04-04/901-сонли «2008 йилнинг январ ойи ўтган молия йили учун қўшимча давр деб эълон қилиниши» хати

12. «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 1999 йил 3 сентябрь.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

14. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

15. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

16. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: Ўзбекистон, 1998.

17. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

18. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

19. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.

20. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

## **V. Дарсликлар**

21. Замков О.О., Толстопятенко А.В., Черемных Ю.Н. Математические усулы в экономике: Учебник. /под общ. ред. д.э.н., проф. А.В.Сидоровича. –М.: Издательство «Дело и Сервис», 2007. –360 с.

22. Комплексный экономический таҳлил предприятия. Теория и практика. (Серия «Учебник для вўзов»). Под редакцией Войтоловского Н.В., Калининой А.П., Мазуровой И.И., Москва- Санкт-Петербург. 2010, с. 576.

23. Партыка Т.Л., Попов И.И. Математические усулы: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. –421 с.

24. Эддоус М., Стэнсфилд Р. Усулы принятия решения. Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2005. –640 с.

25. Экономика предприятий нефтяной и газовой промышленности. Учебник для ВУЗов.-3-е изд., испр. и доп. Под редакцией В.Ф.Дунаева. – М.:ЦентрЛитНефтеГаз., 2008. – 305 с.

26. Экономика предприятия. Учебник для вузов. Под редакцией Карлика А.Е., Шухгальтер М.Л. 2-е изд., перераб. и допол. – СПб.: Питер, 2010, с.464.

## VI. Ўқув қўлланмалар

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.:Ўқитувчи НМИУ, – 282 б.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт. 2010. – 340 б.

29. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 146 б.

30. Абдуллаев А.М. Прогнозирование и моделирование национальной экономики Т.:2012.

31. Абдуллаев А.М. Эконометрическое моделирование Т.:2012

32. Абидов А.А. Современные основы прогноза и поисков нефти и газа. Т.: «Фан», 2012, с.812.

33. Сыромятников Е.С. Управление качеством на предприятиях нефтяной и газовой промышленности. Учебное пособие. НИЦ «РХД». Москва – Ижевск, 2001, 176 с.

## **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

34. Инвестиции Республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2011. –148 с.
35. Промышленность Республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2011. –156 с.

## ИЛОВАЛАР

1. - ж а д в а л

### Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)ни ифодаловчи кўрсаткичларнинг мазмуни ва аниқланиш йўллари

Кўрсаткичлар- нинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиш и
1	2	3	4
<b>1. Ис. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар</b>			
1.1. Ис. умумий ва ўртача қиймати	Таҳлил даврида Ис. сум- масининг ўртача неча сўм эканлигини ифодалайди	$\frac{\text{Ис.йб} + \text{Ис.йо}}{2}$	
1.2. Ис.нинг таркибий тузилиши	Ис. ҳар бир моддасининг (Исi) умумий суммадаги улушини ифодалайди	$\frac{\text{Исi}}{\text{Ис}} \times 100$	
1.2.1. Ав.нинг Ис. умумий сўм- масидаги улуши	Ав.нинг Ис. умумий сум- масида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{\text{Ав}}{\text{Ис}} \times 100$	
1.2.2. Ам.нинг Ис. умумий суммасидаги улуши	Ам.нинг Ис. умумий ҳажмида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{\text{Ам}}{\text{Ис}} \times 100$	
1.2.3. На.нинг Ис. умумий сўм- масидаги улуши	На.нинг Ис. умумий сум- масида неча фоиз таш- кил қилишини кўрсатади	$\frac{\text{На}}{\text{Ис}} \times 100$	
1.2.4. Мс.нинг Ис. умумий суммасидаги улуши	Меҳнат салоҳиятининг Ис. умумий суммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{\text{Мс}}{\text{Ис}} \times 100$	
1.3. Ис. таркибига кирувчи моддалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис. таркибига кирувчи ҳар бир моддаси (Ав.Ам. На. Мс.) бўйича улар- нинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тегишли моддалар таҳлил қилинганда алоҳида тасвирланади	Ушбу кўрсаткичлар тегишли моддаларни таҳлил қилганда аниқланади.	

**Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)ни ифодаловчи  
кўрсаткичларнинг мазмуни ва аниқланиш йўллари**

<b>2. Ис. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар</b>			
2.1. Корхона активларининг Ис. билан таъминланганлиги	1 сўм корхона активлари суммасига қанча Ис. суммаси тўғри келганлигини кўрсатади	$\frac{\text{Ис}}{\text{Б}}$	
2.2. Ис.нинг Ис. билан таъминланганлиги	1 сўм меҳнат салоҳияти қийматига қанча Ис. суммаси тўғри келганлигини ифодалайди	$\frac{\text{Ис}}{\text{Ис}}$	
2.3. Ис. таркибига кирувчи моддалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис.нинг таркибига кирувчи ҳар бир моддаси билан таъминланганликни ифода этадиган кўрсаткичлар тизими Ав. Ам. На. Ис. кўрсаткичлар ўрганилганда алоҳида тасвирланади	Ушбу кўрсаткичлар тегишли моддаларни таҳлил қилганда аниқланади.	
<b>3. Корхона Ис. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар</b>			
3.1. Ис. рентабеллиги	100 сўм иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм фойда тўғри келишини ифодалайди	$\frac{\text{Ф}}{\text{Ис}} \times 100$	
3.2. Ис. даромадлиги	100 сўм Ис. қийматига неча сўм даромад тўғри келишини ифодалайди	$\frac{\text{Д}}{\text{Ис}} \times 100$	
3.3. Ис. натижавийлиги	1 сўм Ис. қийматига неча сўм натижавий кўрсаткич (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти ва ҳ.к.) тўғри келишини кўрсатади	$\frac{\text{Q}}{\text{Ис}}$	
3.4. Ис. таркибига кирувчи моддалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис. таркибига кирувчи моддалар (Ав. Ам. На. Ис.) самарадорлигини ўрганишда кўрсаткичлар ти зими шаклида	Ушбу кўрсаткичлар тегишли моддаларни таҳлил қилганда аниқланади	

	фойдаланилади		
--	---------------	--	--